O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 23-aprel, №18-19 (576)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
**Муштарийларимиз сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

## “Ўқишга киритиб қўяйми?”



***Бугун эртанги кунини ўйлаган ёш борки, бирор бир нуфузли олий ўқув юртига кирсам, яхши мутахассис бўлсам деб орзу қилади. Ёшлар олий ўқув юртига киришга интилиш борасида якдил ва ҳамфикр экани бор гап. Лекин ўқишга кириш борасида ҳамма ҳам бирдек йўл тутади деб бўлмайди.***

⇨ 6-бет

## **Қоятош** суратлари



***Қадимги одамлар ўз кечинмалари, ўй-мушоҳадаларию кўрган-билганларини тошларга ўйиб муҳрлар экан, асарларининг тошлардай абадий қолишини ният қилган бўлса керак. Не ажабки, тошлар ҳам мангу эмас. Вақт шамоли тоғу тошни ҳам сим-сим емириб бораверади.***

⇨ 9-бет

## “Мақом — барҳаёт руҳлар навоси”



***Сўз — соз — овоз вобасталигида яраладиган дилнавоз асар-қўшиқ (ашула) ҳар доим харидоргир. Таассуфли жойи шундаки, унинг умри бир марталик ҳам бўлиши мумкин ёки абадиятга муҳрланиб қолиши ҳам мумкин.***

⇨ 12-бет

## Чоршанбадан чоршанбагача

**(Ҳафтанинг энг муҳим воқеалари)**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2008 йил 22 апрель куни қўшни мамлакатга расмий ташрифи бошланди.

- Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни шу йил 22 апрелда матбуотда чоп этилди.

- 21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

- 18 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳар томонлама муҳокама қилинди.

- Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация 21 апрель куни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси Ботир Тешабоев билан учрашди.

  Учрашувда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

- Пойтахтимизда 21 апрель куни “Uzbekistan International Travel Workshop-2008” халқаро Ўзбекистон сайёҳлик форуми бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонини янада ошириш борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашилди, ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

ФАХР

# Миллий университет — **мўътабар маскан**



***Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 апрелдаги “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори юртимизда таълим-тарбия соҳасига, маънавиятимизга бўлган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди.***

***Ўқув даргоҳида юбилейни унутилмас тарзда нишонлаш, қутлуғ санага ҳозирлик кўриш борасида белгиланган тадбирлар, амалга оширилаётган ташкилий, ижодий ишлар хусусида Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғафуржон МУҲАМЕДОВ билан суҳбатлашдик.***

**— Ғафуржон Исроилович, мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўртасида салмоқли ўринга эга бўлган ЎзМУнинг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорни жамоангиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари юксак кўтаринки руҳда кутиб олганликлари сезилиб турибди. Сизни ҳам шу тарихий воқеа билан табриклаган ҳолда қалбимизда беихтиёр юбилей анжуманларига боғлиқ саволлар туғилди.**

— Миннатдорман!..

**— Бундан саккиз йил муқаддам Юртбошимизнинг “Тошкент давлат университетига “Ўзбекистон Миллий университети” мақоми бериш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Келинг, суҳбатимизни ушбу Фармон билан мазкур Қарорнинг боғлиқ жиҳатлари ҳақида бошласак...**

— Давлатимиз раҳбари томонидан 2000 йил 28 январь куни қабул қилинган ана шу Фармон ўқув даргоҳимизни том маънода «Миллий университет» мақомига эга қилганлиги илмий жамоатчилигимизда чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотганди. Мазкур Фармон ижросида Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган зиёлиларимизнинг буюк хизматлари эътироф этилди. Шундан сўнг ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, мазкур университетнинг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйишга алоҳида эътибор кучайди.

Жорий йилда эса ўқув даргоҳимизнинг 90 йиллик юбилейининг тантанали нишонланиши кўплаб академиклар, шоир ва адиблар, турли соҳаларда фаоллик кўрсатишаётган фидойилар қалбини тўлқинлантириб юборди. Бу тантана «Ёшлар йили» билан уйғунлашиб, талабаларнинг қўшалоқ байрамига айланиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ушбу анжуманни юксак даражада ўтказиш мақсадида тузилган тадбирлар режасида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган қатор вазифалар ҳам ўз ифодасини топади. Яъни, университетимиз ва республикамиздаги бошқа олий ўқув юртларида ҳам ўтказиладиган тадбирлар дастурда белгиланган режаларга мувофиқдир. Бу қарор юртимизда таълим соҳасига, келажагимиз бўлган ёшларга ғамхўрлик ифодаси сифатида қабул қилинганлигини эътироф этиш жоиз. Шубҳасизки, унинг ижроси ҳам шунга монанд юксак даражада амалга оширилади, албатта.

**— Университет тарихига оид ҳужжатларни варақлаганимизда: “Тошкент университети 1920 йилда Россиядан келган “большевой”лар вакиллари томонидан эмас, балки 1918 йилда фидойи маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган”и ҳақидаги ноёб фактларга дуч келдик. Бу ҳақиқат ўтмиш ва келажак учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга?**

— «Туркестанский курьер» газетасининг 1917 йил 232-сони иловасида бу ҳақда анча муҳим маълумотлар бор. Ўша кезда Тошкентда университет ташкил этиш масаласи бир гуруҳ илғор фикрли зиёлилар ўртасида муҳокама қилинган. Унда Мунавварқори сингари миллатпарварлар фаоллик кўрсатишган. Ўшанда университетни ташкил этиш учун махсус комиссия тузилган. Мунавварқори университет ўқув дастурини ишлаб чиқишда миллий манфаатларимиз ҳисобга олиниши, хусусан, тарих, шарқшунослик факультетлари уларга мослаштирилиши лозимлигини таъкидлайди. Бу тарихий ҳақиқат улуғ алломаларимизнинг маънавий хазинасидан баҳраманд қилса, келажак авлоднинг эса қалбида фахр-ифтихор туйғусини жўш урдиради. Бугунга қадар университетимиз тарихини ёшларга етказиш мақсадида кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотлари, рисолалари чоп этилди. Яна бунга боғлиқ қимматли маълумотлар, муҳим ҳужжатлар таниқли тарихчи олим Сотимжон Холбоевнинг «Миллий университетимизнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши» деб номланган тўпламида кенг ёритилганлиги юқоридаги мавзуни яна бир бор теранлаштирмоқда.

3»

ТАНЛОВ

## Эътибор ва **рағбат**



**«Олтин қалам» III Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов нафақат юртимиздаги ОАВ ходимларида, балки хорижий мамлакатларнинг журналистларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намойиш этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танлови ўтказилаётганлиги маданий ва маънавий ҳаётимизда катта воқеадир. Танловнинг йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётгани эътироф этилмоқда.

I Миллий мукофот учун ўтказилган танловда 136 та журналист 1669 та ижодий иши билан иштирок этган бўлса, 2007 йил II танловда 376 нафар журналист ўзларининг 5000 га яқин ижодий иши билан қатнашди. Бу йилги танловда эса юртимиздаги 550 дан зиёд ОАВ ходимлари 7 мингдан ортиқ ижод намуналари билан қатнашишмоқда.

Айни пайтда танловга тақдим этилган ижодий ишларни кўриб чиқиш жараёни бормоқда. Бу хусусида батафсилроқ маълумот олиш ниятида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси Шерзод Ғуломовга мурожаат қилдик.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Бугунги кунда республикамизда самарали фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари учун мустаҳкам база яратилган. Буларнинг барчаси жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Гап бевосита журналистика соҳасидаги «Олтин қалам»га тақдим этилган ижодий ишлар хусусида борар экан, очиғи, бу йилги танловга журналистлар томонидан келган материаллар сони, савияси жиҳатдан ҳар йилгидан кўра анча баландлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

4»

ДУНЁ СИЁСАТИ

## Америка давлат котиби **ташвишда**

АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Россиянинг Грузия таркибидаги икки айирмачи ҳудуд билан алоқаларни кенгайтириш борасидаги қароридан ташвишда эканини билдирди.




Унинг сўзларига қараганда, давлат котиби айни шу масалада россиялик ҳамкасби Сергей Иванов билан телефон орқали мулоқот қилган.

Давлат департаменти матбуот котиби Шон Маккормакнинг маълум қилишича, Вашингтон Россия раҳбариятини Грузия суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги тамойилига амал қилишга чақирган. Шу билан бирга, мулоқот чоғида Россияга жорий йил 16 апрель куни қабул қилинган қарорни бекор қилиш тавсия этилган.

Эслатиб ўтамиз, мазкур санада Россия президенти Владимир Путин Абхазия ва Жанубий Осетияда яшаётган рус аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳудудлар билан алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳукуматга топшириқ берган эди. Ўшанда Жанубий Осетия ва Абхазия бошқарув идоралари томонидан қабул қилинган айрим ҳужжатларни тан олиш кераклиги ҳам таъкидланган. Бундан ташқари, Россия ташқи ишлар вазирлигига Краснодар ўлкаси ва Шимолий Осетияда икки тан олинмаган республикалар учун консуллик вазифасини бажариш ҳам юклатилган эди.

Москванинг мазкур қарори Вашингтон томонидан икки ҳудуднинг тан олиниши ҳамда уларга нисбатан амалда бўлган иқтисодий ва ҳарбий санкцияларнинг бекор этилиши сифатида қабул қилинди.

7»

УЙҒОҚ ҚАЛБ

## Илдизи мустаҳкам дарахтлар

**Бу мулоҳазалар атрофимизда рўй бераётган воқеалар, ҳаракатлар ва интилишлардан туғилган хулосалардир. Уларда моддий бойликдан ҳам устун бўлган маънавий бойлик ҳақида гап кетади. Зотан, ҳар бир жамиятнинг тақдири маънавий юксак одамларга боғлиқ.**

**ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ**

Ҳар бир ота-она фарзандининг келажагига, уларнинг камолотига ҳамиша дахлдордир. Мана шу дахлдорлик ҳисси унинг болаларга бераётган тарбиясида, панду насиҳатида ва шахсий ибратида намоён бўлади. Қайси ота-она фарзандининг ёмон йўлга киришини, оиласининг бузилишини ёки бирор ҳунарсиз бўлишини, топгани ўзига етмаслигини хоҳлайди? Назаримда ҳеч ким!

Дахлдорлик ҳисси ҳам болага ота-онадан ўтар экан. Демак, ота-онанинг ўз оиласидан, ўз ташвишидан бўлак шу юртга, шу элга дахлдорлик ҳисси қанчалик юқори бўлса, эл ўз сафида яна бир фидойини топади. Шунинг учун ҳам дахлдорлик ҳисси оиладан бошланса, илк тарбиясида куртак отса унинг қамрови кенгайиб бораверади.

Давраларнинг бирида қизиқ бир гапни эшитган эдим. Уни кўпни кўрган бир кекса киши айтди.

— Биз йигитлик пайтимизда маҳалламизда Дармон ака деган одам бўлиб, унинг на бир амали ёки на бир мансаби бор эди. Лекин у маҳалладаги ҳамма ишга дахлдор эди. Ўша пайтларда ҳашар жуда оммавий бўлиб, унга бош-қош бўлган Дармон ака эди. Тўй-маъракаларда, ҳар хил маросимларда ҳам у тик туриб хизмат қиларди. Ҳамма уни гапирганда "Отаси билиб исм қўйган унга, ҳаммага дармон бўлиб яшайди, бу одам", дейишарди. Йиллар ўтиб шу одам ҳам дунёдан ўтиб кетди. Буни қарангки, Дармон аканинг ўртанча ўғли отасининг ўзи бўлди. Маҳалламизда нима иш амалга оширилса, шу йигит хизматнинг бошида. Бир неча марта "Ўғлим, сизни маҳалла қўмитасига раис қилиб сайлайлик", дедим кўпчиликнинг номидан. У эса "Элга хизмат қилиш учун раис бўлишим шарт эмас", деб унамади...

Шу оддий бир мисолдан ҳам кўриниб турибдики, дахлдорлик ҳисси ҳам отадан мерос қоладиган яхши фазилатлардан бири экан.

Юртимизда бугунги кунда жуда катта ўзгаришлар, янгиликлар ва иқтисодий юксалишлар бўлаяпти. Қайси соҳада бўлмасин, меҳнатга бўлган муносабат ўзгарган.

5»

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

## Бугуннинг нафаси

■ Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар Урганч шаҳрида адабиёт ихлосмандлари, воҳанинг ёш шоир ва ёзувчилари билан учрашдилар. Тадбир мушоирага айланиб кетди.

■ Навоий шаҳри «Фарҳод» маданият саройида «Сармишсойнинг табиий ва маданий меросини сақлаш ва самарали бошқаришни ўрганишнинг янгича ёндашувлари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

– Сармишсой очиқ музей сифатида кўплаб сайёҳларни, археолог ва тарихчиларни ўзига жалб қилишига шубҳам йўқ, – дейди ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Анна Паолини.

■ Бухорода туғилиб камолга етган, баракали ижоди билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган Садриддин Айний таваллудига 130 йил тўлди.

Ҳар йили Садриддин Айний таваллуд топган кун Бухорода кенг нишонланади. Бу йил ҳам ана шу анъана давом этди. Бухоронинг донишманд фарзанди номидаги 15-ўрта мактабда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

■ 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВ нинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида ўқув-семинар бўлди.

■ Зарафшон шаҳрида «Қизилқумшина» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга тушди. Қўшма корхонага йилига минг донадан ортиқ шина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий технология ўрнатилди.

■ Жиззах шаҳрида «Кооперацион биржа ва савдо» ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 50 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

■ Фарғона вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 16 минг 847 киши иш билан таъминланган.

Марғилон шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида элликдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса 296 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 106 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

■ Тошкент давлат шарқшунослик институтида "Глобаллашув жараёнида иқтидорли талабалар илмий фаолиятининг ўрни" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Илмий-амалий анжуманда бакалавр ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва тажрибали мутахассислар қатнашди.

■ Шу йилнинг 24-27 апрель кунлари Тошкентда Соғлиқни сақлаш ҳафталиги бўлиб ўтади. Кўргазма экспозицияси пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида жойлашади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида фаолият олиб борувчи 150 та компания Соғлиқни сақлаш ҳафталигида иштирок этиш истагини билдирган.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.**

**МУНОСАБАТ**

## Раҳбар ҳузур-ҳаловатдан воз кечса

### Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейинги ўйлар

Қонун ва қарорлар жамият ҳаётини тартибга солиш билан бирга мамлакат фуқаролари сиёсий онгини оширишга, савиясини кўтаришга ҳам хизмат қилади. Ҳатто қайсидир қонун ижросидаги оқсашни сезишимиз ҳам онгимиз ўсаётганлигини кўрсатувчи омил ҳисобланади.

— Одамлар Хитойдан келтирилаётган арзон, сифатсиз маҳсулотларни харид қилишдан қайтишаяпти, — дейди меҳнат фахрийси Иноят Неъматов.

— Нархи озроқ қиммат эрсада, сифатли маҳсулот олиш кераклигини тушунишаяпти. Қонунларни билганлар эса бу борада илгарилаб кетишди. Ёрлиқларни эринмай ўқиб кўраётганларни кўрсам, хурсанд бўламан. Яқинда сифатсиз маҳсулотни дўконга қайтариб элтдим. Сотувчи рад этди. Аммо истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти вакили тегишли қоида асосида чиптани кўрсатди, маҳсулот сифатсиз тайёрланганини исботлади ва пулини қайтариб олиб берди. Демак, демократик жараён ривожланмоқда.

Бу ҳолатнинг демократик жараёнга нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Биринчидан, бизда танлаш малакаси шаклланди. Кимгадир маиший аҳамиятгагина эга бўлиб кўринган бу хислат пировардида турмуш тарзимизнинг бир қисмига айланади. Танлаш ҳуқуқига эга эканлигимизга ишонч пайдо бўлади. Атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ана шу нуқтаи назардан қарашни ўрганамиз.

Камина депутат сифатида Самарқанд вилоят Кенгаши ташкилий сессиясида асосий мавзу фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий — умуман онгининг ошиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилганини ҳис қилдим.

Президент Ислом Каримов вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни қандай бораётганлигини таҳлил қилар экан, эркинлик ва масъулият уйғунлигига алоҳида тўхталди. Хусусан катта имтиёзлар берилишига қарамасдан, саноатга янги технология ва хориж сармоясини келтириш оғир кечаётганлигини таъкидлади. Бу муаммо кенгаш ёки доимий комиссиялар йиғилишида жиддий муҳокама этилмаган.

— Халқаро амалиётда фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан бойиган давлат йўқ, — деди Юртбошимиз. — Бугунги кунда одамларни иш билан таъминлашнинг реал усули қишлоққа қайта ишлаш саноати ва сервис хизматини олиб кириш.

Айрим туманларда 2-3 йил давомида бирорта ҳам корхона очилмаганлиги бу ерда нафақат ҳокимлик, балки жамоат ташкилотлари ҳам етарли ишламаганлигини кўрсатиб турибди. Очиғи, улар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадиган фуқаро ўз меҳнатига яраша қадр топиш, ўз ҳаётини янада фаровон қилиш учун кўпроқ қайғуриш, интилиши ва шу орқали жамият ҳаётига фаол қўшилишини тўла тушуниб етмаганлар.

Бинобарин, вилоятнинг биринчи раҳбари бу борада барчага ибрат бўлиши зарур. Негаки, Шарқ менталитетига кўра, одамлар раҳбарни давлат тимсолида кўришади: унга ишонишади, уни ҳурмат қилишади.

5»

**ТАҚҚОС**

## Икки корхонада икки хил манзара

Бухоро вилоятидаги Пешку туманида 90 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. "Пешку ширин нони" ва "Ширин кулча" корхоналари зиммасига аҳолининг нон ҳамда нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш вазифаси юклатилган.

— Корхонамиз 1970 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Кунига 2000-2200 дона қолипли нон ва 300 кг. макарон маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Кўлигул 12 нафар нонвойларимиз ишига эътироз йўқ. Биз ҳам улар меҳнатини қадрлаб, ўртача 90 минг сўмдан иш ҳақи ва вақт-вақти билан моддий ёрдам пуллари бериб келмоқдамиз... Лекин имкониятларимиз сал чегараланган, — дея ун маҳсулотларининг кам ажратилаётганлигига ишора қилди "Ширин кулча" корхонаси бош ҳисобчиси Б.Ёдгоров.

Гувоҳи бўлганимиздек, жамоа имкониятидан келиб чиққан ҳолда, бинолари нураган, технологиялари эскирган бўлса-да, ишни тўхтатмаяпти. Корхонага яқин орада хориждан замонавий — кам харажатли-ю кўп даромадли линия келтириш режалаштирилган. Ана шунда барча муаммолар барҳам топади, маҳсулот сифати янада ошиб, харидорлар сафи кенгаяди. Бироқ замонавий технологиялар билан жиҳозланган "Пешку ширин нони" корхонаси ўз фаолиятини негадир тўхтатиб қўйган. Ишлаганда ҳам узуқ-юлуқ. Бу ҳолни Пешку туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ўткир Ҳамроев қуйидагича изоҳлайди:

— Корхонада ишлар тадбиркорлик асосида ташкил қилинмагани панд бераяпти. Корхона раҳбарларида бугунги кун талабларини ҳис этиш салоҳияти етишмаяпти.

— Ўтган йилнинг ноябрь ойида Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан корхонада пиширилаётган буханка ноннинг оғирлиги меъёрдан кам эканлиги, тарозида харидор ҳақига хиёнат қилинаётганлиги аниқланган. Шундан сўнг корхонамиз фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилганди, — дейди "Пешку ширин нони" корхонаси иш юритувчиси Равшан Акрамов.

Суст корхоналар фаолияти изга тушса, янги линиялар, технологиялар жалб қилинса, туман ҳокимлиги ана шу корхоналар фаолиятига ҳозирги вақтдагидек қуруқ "томошабин" бўлиб эмас, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа, Пешкуда ҳам хуштаъм нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш муаммо бўлмасди.

**Шавкат НОСИРОВ, "Ҳуррият" мухбири.**

**ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ**

## Бахтини қўл билан яратур одам...

**«Юртимизда ҳалол меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, ҳақиқий саодат калити ана шунда», — дейди темир йўл крани машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза МАҲКАМОВ**



Хайробод темир йўл бекатининг ёнгинасида жойлашган 166-темир йўл машина бекати бошлиғи Азамат Донаевдан Ҳамза Маҳкамовнинг таътилга чиққанлигини эшитиб, очиғи, бироз ҳафсалам пир бўлди. "Ҳа энди, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган одам уйда ўтирармиди, таътилни олиб бирор-бир санаторий ёки дам олиш масканига кетиб қолган бўлса, керак-да", деган ўй кечди. Кўнглимдан кечган шу хавотир-ла изимга қайтмоқчи ҳам бўлдим. Бахтимга, Ҳамза аканинг уйи ўзи ишлайдиган корхонанинг шундоқ рўпарасида, девор-тўсиқнинг нариги томонида экан. Азамат ака ҳамроҳ қилган йигит билан бўлажак қаҳрамонимнинг хонадонига ўтиб, суриштирдик. Хонадон бекасининг айтишларича, саҳарлаб тракторда қишлоққа, ер ҳайдашга чиқиб кетган эканлар. Аммо қишлоқнинг қайси томонига, буни янгамизнинг ўзлари ҳам аниқ айтолмадилар.

"Ўзлари таътилда бўлсалару мириқиб дам олиш ўрнига шудгорга чиқсалар?" — хаёлимдан кечган саволни ҳамроҳимга ташладим.

— Бе, Ҳамза акани билмайсиз-да. Ҳали кўрасиз, аслида у киши меҳнат учун яралган. "МТЗ-80" русумли шахсий тракторлари бор. Ҳамқишлоқларнинг илтимосини ерда қолдирмай, ҳар доим шудгорлаш мавсумида таътилга чиқишга ҳаракат қиладилар. Қишлоқ аҳлининг туриш-турмуши ер билан-да. Ҳамза ака эса ўзлари темир йўл машинисти бўлсалар-да, аслида ернинг пири. Ҳар бир хонадонга тегишли томорқани ҳайдаб бермасинлар-чи, ҳамқишлоқларидан осонликча қутилармиканлар? Яна, Ҳамза аканинг ишларида қут-барака бўлса керак-да. Бўлмаса, бу атрофда трактори бор фақат у киши эмаслар.

Қўшни йигит қаҳрамонимизни излаб қишлоқ оралайдиган, биз икковлон ҳовли саҳнидаги сўрида бир пас кутадиган бўлдик. Орадан бир чой қайнар вақт ўтар-ўтмас уй томон бурилган трактор шовқини эшитилди. Бироздан сўнг эса уст-бошидаги гард-ғуборларни қоққанича хонадон эгаси кўринди...

Келинг, яхшиси, гапни ҳамсуҳбатимни таништиришдан бошлайин.

Ҳамза Маҳкамов — Денов туманининг Хайробод қишлоғида туғилган. Ўрта маълумотни шу қишлоқ мактабида олган. Мактабдан сўнг бир муддат турли жойларда ишчи бўлиб фаолият кўрсатади. 1982 йилга келиб эса ўша пайтлар қишлоқнинг анча-мунча ёшлари ишлашни ҳавас қилиб юришган темир йўл-машина бекатида темир йўл ётқизиш крани ҳайдовчисига ёрдамчи вазифасига ўтади. Чорак аср ўтибдики, у худди шу вазифасида узлуксиз ишлаб келмоқда.

Бир қараганда қисқа ва оддийгина автобиографик солнома. Аммо орадан ўтган йигирма беш йиллик ҳаёт йўли унга, унинг ҳамкасбларига кўп нарсаларни берди, кўп нарсаларни ўргатди, қанчадан-қанча унутилмас воқеа-ҳодисаларга рўпара қилди.

Мактабни битириб, олти йилдан сўнг темир йўл машинисти бўлиб ишга кирган бўлса-да, аслида темир йўлчи бўлиш унинг болалигидаги орзуси эди. Туғилиб ўсган ҳовлисидан унча олис бўлмаган темир йўл бекатидаги тинимсиз шовқин-сурон, тепловозларнинг ҳарсиллаб узундан-узоқ составни у ёқдан бу ёққа тортиб ўтиши, ғира-шира деразалари тун қоронғусида лип-лип ўтиб турувчи тез юрар поезд вагонлари ҳамиша уни ўзига чорлар, баъзан эса беихтиёр ўзини тепловоз машинисти ўрнида кўриб, хаёлан узоқ манзилларга саёҳат қиларди.

Айниқса, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида Хайробод бекати ёнида темир йўл-машина бекати қурилиб, ишга туширилгач, унинг кўнглидаги ниятлари янада қатъийлашди: ҳаётини темир йўл хизмати билан боғлашга қарор қилди...

9»

**ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР**

## Нафси ҳакалак отган терговчи

Суднинг темир панжараси ортида суд ҳайъатининг келишини кутаётган Улуғбек Абдушукуров ердан кўзини узмай, бошини эгганча жим ўтирарди. Шу топда унинг кўз ўнгидан гоҳи ўзи ишлаб келган туман прокуратураси, гоҳида ака-ука Ҳошимовлар, кейин эса Нодир тутқазган ўша кунги долларлар ва яна Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олиниши, бир неча лаҳзалик ғала-ғовурлар, қамоқхона, хотинининг ғамгин қиёфаси ва уч фарзанди ўта бошлади. Буларнинг бари суд ҳукмини кутиб турган У.Абдушукуровни қаттиқ ташвишга соларди. Негаки, содир этган жинояти учун қандай жазо тайинланишини олий маълумотли ҳуқуқшунос, Учкўприк туман прокуратурасининг собиқ терговчиси сифатида у жуда яхши биларди. Котиб суд ҳайъати кириб келаётганини эълон қилмаганида, у яна аллақанча вақт шу кўйи қимир этмай ўтирарди. Судья эса судланувчига тайинланган ҳукмни ўқий бошлади...



2006 йилнинг август ойида Учкўприк туман прокуратураси томонидан "Шавкат" масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) раиси Аброр Ҳошимов ва "Эверест" хусусий фирмаси раҳбари Назир Марасуловларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фарғона вилояти бўлимининг Бешариқ филиалидан олинган 60 миллион сўмлик кредит маблағлари қайтарилмай, талон-тарож қилингани жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган эди. Жиноят ишини юритиш эса терговчи У.Абдушукуровга юклатилади. Мазкур иш бўйича тергов-суриштирув ишларини олиб борган терговчи, етарли далиллар тўплагач, гумон қилинувчилар - А.Ҳошимов ва Н.Марасуловларни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш бўйича қарор тайёрлайди. Аммо қарор чиқариладиган кун А.Ҳошимов шахсий юмушлари билан Тошкентга кетган эди. Тергов муддати якунлангани сабабли, қарорни кечиктириб бўлмасди. Бироқ, ўн икки йилдан буён прокуратура идораларида хизмат қилиб келаётган У.Абдушукуров бунинг чорасини топди. Аканинг ўрнига укани вақтинча прокуратурада ушлаб турадиган бўлди. Шундай йўл тутсам, Аброр қаерда бўлса ҳам етиб келади, дея хаёлидан ўтказди у. Терговчи 2006 йилнинг 26 сентябрь куни Н.Марасуловни ва Аброрнинг укаси Нодир Ҳошимовни туман прокуратурасига чақиртиради. "Ҳозир сизларни прокурор қабулига олиб кираман, у сени ҳам, акангни ҳам танимайди, шу сабаб сен ўзингни Аброр Ҳошимовман, 1974 йилда туғилганман деб айтасан, шундай қилсак, акангга яхши бўлади",— дея уқтиради у Н.Ҳошимовга. Нодир терговчининг сўзини икки қилмай, ҳамма айтганини қилишга рози бўлади. Прокурор гумондорлар билан суҳбатлашиб, терговчининг қамоққа олиш ҳақидаги қарорига имзо чекади. *(Мазкур жиноят иши юритилаётган вақтда қамоққа олишга рухсат бериш прокуратура ваколатида бўлиб, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб эса бу ваколат судларга ўтказилди – Ш.Ж).* Прокурор қабулида Н.Ҳошимов ва Н.Марасуловлар қўлига кишан солинади. Укасининг туман прокуратурасида ушлаб турилганини эшитган Аброр, терговчи ўйлаганидек, ўша куннинг ўзидаёқ етиб келади. Терговчи эса акасини қамаб, Нодирни қўйиб юборади.

— Акам ва поччам қамалиб кетмаслиги учун нима қилишим керак?, — деб сўрайди Нодир эртасига терговчи билан учрашиб. Нодирнинг икки қўлини кўксига қўйиб, қаршисида бош эгиб, нажот сўраб турганини кўрган У. Абдушукуров ҳаволаниб кетди. Ҳозир ҳар қандай шартимга рози бўлади, деб ўйлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслигини у жуда яхши биларди. Шу сабаб, осон битадиган бу ишдан нафси йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

— Уч кун ичида банкдан олинган пулларни қоплаб, менга 6 минг АҚШ доллари келтириб берсанг, аканг ва поччангни қамоқдан чиқараман, — деди терговчи.

"Шавкат" МЧЖга тегишли бўлган 17 минг донадан ортиқ "Гликодин" дори воситалари Қўқон шаҳридаги "Ал-водий баҳолаш" масъулияти чекланган жамият мутахассислари томонидан 40 миллион сўмга ва Н.Ҳошимовнинг тоғаси Б.Сиддиқовга тегишли "Икарус-260" русумли автобус эса "Қўқонавтотеххизмат" ҳиссадорлик жамияти мутахассислари томонидан 20 миллион сўмга баҳоланиб, банкка топширилади. Зарарни қоплаган Нодир энди терговчи талаб қилган пулни топиш ҳаракатига тушади. Қариндошларидан қарз сўраб, 5 минг АҚШ доллари топган Нодир, 29 сентябрь кечки пайт туман прокуратурасига йўл олади. У.Абдушукуровнинг хизмат хонасида пулни тутқазади ва қолганини ҳам олиб келишга ваъда беради. Эртасига А.Ҳошимов ва Н.Марасуловлар қамоқдан чиқиб, оиласига қайтади.

Жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди етказилган зарарнинг ўрни қопланганини эътиборга олиб, А.Ҳошимов ва Н.Марасуловларни ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилади. Аммо уларнинг қувончи узоққа бормади. ТИФ миллий банки Фарғона вилояти Бешариқ туман бўлими Учкўприк туман суди ҳукмидан норози бўлиб, жиноят ишлари бўйича вилоят судига шикоят қилитади. Унда "Шавкат" МЧЖ томонидан топширилган дори воситаларининг яроқлилик муддати ўтиб кетгани ва зарар тўлиқ қопланмагани кўрсатилган эди. Вилоят суди эса ишни қайта кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судига юборади. Бувайда туман судининг 2007 йил 16 апрелдаги ҳукмига биноан А.Ҳошимов ва Н.Марасуловлар олти йилга озодликдан маҳрум этилади. Ишнинг бундай тус олишини кутмаган Нодир нима қилишни билмай, нажот истаб яна У.Абдушукуров олдига йўл олади. Ахир у акасининг қамалиб кетмаслигига ваъда берган, бунинг эвазига пул ҳам олган эди. А.Ҳошимов ва Н.Марасуловларнинг суд залидан қамоққа олинганини эшитган терговчи, ваъда қилинган минг АҚШ долларини келтириб бермай, уни "норизо" қилишганини Нодирнинг юзига солади. Сўнгра вилоят судида танишлари борлиги, уларнинг ёрдами билан акаси ва поччасини қамоқдан чиқариши мумкинлиги ҳақида ваъда бериб, эвазига 2 минг АҚШ доллари келтириб беришни сўрайди. Терговчининг фирибгарлик йўлига ўтиб олганини, афсуски, Нодир тушунмасди. Шу лаҳзада унинг кўзига пул эмас, балки қамоқда ётган акаси ва поччаси, ҳам ўғли, ҳам куёвининг қамалиб қолганидан уззукун кўз ёш тўкаётган онаси кўринаверди. Пул-ку топилади, акаси қамоқдан чиқса бўлгани. Шундай ўйлар билан Нодир уч-тўрт кун ичида пулни топиб келишга ваъда бериб, терговчи билан совуққина хайрлашади. Аммо эртаси куни терговчи уни яна прокуратурага чақириб, 2 минг камлигини айтиб, 15 минг АҚШ доллари келтириб беришни талаб қилади. Нодир терговчининг бу талабига ҳам ҳеч қандай эътироз билдирмайди. Аксинча, терговчининг тўнини тескари кийиб олишидан чўчийди. Бунча пулни қаердан топишни билмай, эс-ҳушидан айрилган Нодирни икки кун ўтиб терговчи яна прокуратурага чақиради. Нафсига эрк берган терговчи бу сафар эса 15 минг ҳам камлигини айтиб, 20 минг доллар келтиришни, ҳеч қанча ўтмай, 25 ва ниҳоят, 28 минг АҚШ доллари келтириб бериш талабини қўяди. Йўқса, қариндошлари берилган муддатни тўла ўташларини айтиб, Нодирнинг юрагига қўрқув солади. 28 минг АҚШ долларини эшитган Нодир бехосдан инсоф қилинг терговчи, деб бақириб юборгиси келди, аммо ўзини аранг тутиб қолди. 28 минг доллар. Ахир қаердан топади бунча пулни?

Аросатда қолган Нодир қандай йўл тутишни сўраб, яқин қариндошларига маслаҳат солади. Уни тинглаб кўрган қариндошлар порахўр терговчининг жиловини тортиб қўядиганлар борлигини айтиб, унинг устидан тегишли идораларга арз қилишни маслаҳат беришади.

2007 йилнинг апрель ойида Н.Ҳошимов Миллий хавфсизлик хизмати Фарғона вилояти бошқармасига Учкўприк туман прокуратураси терговчиси У.Абдушукуров пора талаб қилаётгани тўғрисида ариза билан мурожаат этиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрайди. Тажрибали оператив ходимлар томонидан фуқаро Н.Ҳошимовнинг аризаси ўрганилиб, нафсига қул бўлган инсофсиз терговчини қўлга олиш режаси тузилади ва унга бериш учун тайёрлаб қўйилган пулларга махсус ишлов берилади. 2007 йилнинг 1 май куни вилоят прокуратураси билан олиб борилган ҳамкорликдаги тадбир тамагир терговчи У.Абдушукуровнинг порахўрлик жиноятини фош этди. У 27 минг 500 АҚШ доллари олаётган вақтда қўлига кишан солинди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Учкўприк туман прокуратураси терговчиси У.Абдушукуровга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини атрофлича кўриб чиқди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210 (порахўрлик), 234 (қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш), 168 (фирибгарлик) моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди ва суд ҳукмига кўра 11 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Адолат кўзи билан қараганда, ҳақ қарор топди — жиноят жазосиз қолмади. Аммо зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек ўта масъулиятли вазифалар юкланган прокуратура ходимининг тамагирлик, порахўрликни, боз устига кишилар ишончига кириб, фирибгарликни ўзига касб қилиб олиши кишини ажаблантиради. У.Абдушукуров содир этган порахўрлик, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш каби жиноятларни тергов қилиш, айнан прокуратура идоралари ваколатига киритилгани Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексида аниқ, равшан кўрсатиб ўтилган. Прокуратура идоралари томонидан ўта оғир жиноятлар, хусусан, қотиллик, жуда катта миқдорда давлат мулкини талон-тарож қилган, уюшган жиноий гуруҳлар фош этилаётганига газета, телевидение ва радио орқали гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу сабаб, жамоатчиликнинг бу идора ходимларига нисбатан ишончи, ҳурмати юксак. Аҳоли ишончига муносиб, вазифасини виждонан, ҳалол адо этаётган, умрини шу шарафли касбга бағишлаган фидойилар орасида ўз нафсидан ўзга ташвиши бўлмаган, касбига нолойиқ кимсаларга ўрин бўлмаслигини эса ушбу мақоламиз қаҳрамони қисматида кўриб, хулоса қилиш мумкин.

**Шуҳрат ЖУМАЕВ, журналист.**

# Раҳбар ҳузур-ҳаловатдан воз кечса

(Бошланиши 2-бетда.)

— Раҳбарнинг асосий вазифаси жонфидоликдир. Яъни, халқ ҳаёти учун ҳузур-ҳаловатдан воз кеча олиш, — деди Юртбошимиз. — Куюнчаклик минбардан чиройли гапириш эмас, ҳалқнинг ичига кириш, унинг дардини тинглаш, мушкулини осон қилишга интилишдир.

Вилоят, шаҳар, туманга раҳбарлик қилиш осон эмас, чунки ҳоким ҳар куни ўнлаб, юзлаб муаммоларга дуч келади. Бу муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилиш чораларини излаши, бунинг учун ўта фидоий бўлмоғи лозим. Ана шундай масъул ишга ўзини тайёрлай олмаган киши қийинчиликлардан зўриқади, одамлардаги норизоликни нотўғри қабул қилади. Натижада маънавиятида салбий кўринишлар юзага келади.

— Сессияда жиддий масала кўрилган бўлса-да, муҳокама, суҳбат самимий, очиқчасига кечди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев. — Чунки Юртбошимиз ҳам, сўзга чиққанлар ва залда ўтирганлар ҳам асосий масала — ижтимоий фаолликни оширишга бир йўсинда ёндошдилар. Мақсад муштарак келди. Бунинг устига Президент ҳаммани очиқ мулоқотга чорлади, нафақат минбарга кўтарилганлар, ҳатто залда ўтирганларнинг фикрини, таклиф-истагини билишга қизиқди.

— Тўғри, раҳбар масъулияти асосий мавзу бўлди. Аммо ҳар бир депутат ва фаолнинг жамият тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга урғу берилди, — дейди депутат Ойсулув Нафасова. — Юртбошимиз нафақат доимий комиссиялар, ҳатто депутатлар, партия гуруҳларининг ҳуқуқ ва бурчларини мисоллар билан, жуда содда ва равон тушунтириб бердилар.

Самарқандлик депутатлар ўз фаолиятларига танқидий нуқтаи назардан ёндашдилар.

Яшириб нима қиламиз, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари фаолияти ниҳоятда суст. Сессияларга масала кўтариб чиқилмайди. Чунки ўзлари бирорта муаммони чуқур ўрганиб, муҳокама қилишмайди. Шаҳар ва туман бўғинларида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада, ҳар сафар ҳоким ўзгарганда Президент олдида ер чизиб қолаверамиз...

Сессияда сўзга чиқдим. Минбардаги ҳаяжон ва эҳтиросни енгишга Юртбошимизнинг самимияти ёрдам берди. Хусусан, журналистлар эътиборини янги мавзуга қаратди. Тадбиркор топган даромадини тўғри сарфлаяптими? Албатта, мулк, бойлик, уники, халқ тилида айтганда "Топган-тутгани тўйига буюрсин". Бироқ бу маблағни у қинғир ишларга сарфласа-чи? Ўзини давлатманд билиб, бошқаларни писанд қилмай қўйса-чи? Номаъқул ишлардан ўзини тия олмаса-чи?

Бундай пайтда хурмача қилиқли тадбиркорга нафақат ҳуқуқий чора кўрилиши, балки жамоатчилик таъсири ҳам ўтказилиши керак. Ишбилармоннинг фойда кўриши учун ҳамма шароитни яратган пайтимизда ундан ҳалоллик, одоб-ахлоқни талаб қилишга ҳаққимиз бор.

— Сессияда Президент Ислом Каримов жамиятдаги аҳвол таҳлилида барчага ибрат бўларли хулосалар айтди, — деди депутат Ш.Қорабоев. — Масалан, Самарқандда ўртача умр кўриш мустақиллик йилларида қарийб 11 йилга узайгани мисолида давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг самараси ҳақида ҳам сўз юритдилар. Бундан ташқари ёшларни ҳарбий хизматга катта иштиёқ, ҳавас ва зўр тайёргарлик билан бораётгани бу касбнинг обрўси ортаётганлигини кўрсатади. Президент собиқ шўро давридаги ҳолат билан ҳозирги Қуролли Кучларимиздаги ўзгаришларни таққослаб, Миллий армия нечоғли халққа яқин эканлигини фахр билан таъкидлади.

Сессия ошкора фикрлар ва самимий кайфиятда ўтди.

Дарвоқе, янги ҳоким икки оғиз, лекин керакли гапни айтди:

— Мени шу бугундан, шу соатдан бошлаб Самарқанд вилоятининг фуқароси деб билишларингизни сўрайман. Шу эл бахти, фаровон турмуши учун кеча-ю кундуз ёниб ишлашга тайёрман!

Одатда, бунақа сессиялардан сўнг эртасига фаоллар тўпланиб, ҳар бир ташкилот ва бошқарма сессияда айтилган мулоҳазалар асосида тадбирлар тузишга тушишарди. Бу гал бу ишга сессия тугаши биланоқ киришилди. Қоронғу тушгач, ҳар бир соҳа раҳбари эртагаёқ ижросига киришадиган дастури билан вилоят ҳокимлигига ҳисобот берди.

Депутатлар, фаоллар, бутун вилоят аҳли Юртбошимизнинг "Самарқанд аҳли ҳамиша олижаноб мақсадлар билан яшашга ўрганган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, ғурур билан яшаб келаётган халқ. Самарқанднинг обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сизларда ҳамма нарса билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва изланиш ҳам етарли" деган ишончини оқлашга киришдилар.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, журналист.**

ЭЪТИБОР

# Ёшлар учун имконият

**Андижон вилоятида "Ёшлар йили" Давлат дастури асосида ёш оилаларга уй-жой қуриш, сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредити ажратиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Шунга кўра ёш оилалар учун 32 хонадондан иборат 4 та тўрт қаватли уй-жой қурилиши белгиланган. Ҳозирда дастлабки қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Дастурга кўра, Андижон шаҳри марказидаги Марказий универмаг биноси қайта таъмирланиб "Ёшлар маркази" бунёд этилмоқда. Мазкур объект лойиҳаси ва жиҳозланиши учун 5 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган.

Уч қаватли бу муҳташам масканнинг биринчи қаватида тантаналар зали, иккинчи қаватида эса боулинг зали очилиши мўлжалланган. Ёшларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун марказда замонавий тренажер зали, қишки ва ёзги бассейн, дунё таомлари ресторани фаолият кўрсатиши ҳам кўзда тутилган. Айни вақтда эса сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**

# Илдизи мустаҳкам дарахтлар

(Боши 1-бетда.)

Биргина фермерлик ҳаракати одамларимиз қалбидаги орзу-интилишларни ва ташкилотчиликни қўзғатиб юборди. Илгариги колхоз ёки совхоз эмас энди. Раис ёки бригадир келиб, "сув қуй, чоп, эк, йиғиштир" деб айтиш чўпчак бўлиб қолди. Ер сеники, ҳаракат сендан, ташвиш ҳам сеники, меҳнатдан келган роҳат ҳам сеники: энди сен ерга дахлдорсан, ердан чиқадиган ҳосилга дахлдорсан, шу ҳосилдан иқтисодий юксалаётган Ватанга дахлдорсан!

Дахлдорлик ҳиссининг яна бир ёрқин кўриниши — ёшларимизнинг ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил фикр билан ёндашишларидир. Бир-биридан чиройли, ҳамма қулайликларга эга мактаблар ва коллежлар, спорт иншоотлари ким учун қурилаяпти? Қайси маблағ ҳисобига? Юрт ёшлари учун бундай ғамхўрликлар замирида нима ётибди? Бу саволларнинг барчасига ҳар бир ёш ўз юрагида дахлдорлик ҳиссини туйса, Ўзбекистон деган ота-юртнинг бўйи-бастини бор бўйича кўради. Йўқ, бу баландпарвоз гаплар эмас, афсуски, ёшлар ўртасида оз бўлса ҳам ҳамма иш ўз-ўзидан бўлаётгандек, унинг бу ишларга дахли йўқдек фикрлайдиганлари ҳам бор.



Иқтисодиёт коллежларининг бирида ташкил этилган "Ватан ва биз" мавзусидаги учрашувга таклиф этишди. Уч-тўртта шеърларимдан ўқиб бераман деб келган эдим, ниятим ўзгариб кетди. Талабалар "Ватан ва биз" мавзусини оддий мисоллар билан бошлашди. Масалан бир талаба шундай деди:

— Чиройли коллежни бизга мазза қилиб ўқисин, ҳунар ўргансин деб давлатимиз қуриб берди. Лекин баъзи тенгдошларимиз коридорларда худди ёш болалардек бирбири билан олишиб, оёқлари билан деворларни тепиб юришади. Синф хоналаридаги ҳар хил ёзувларни айтинг...

Шундан кейин қизғин баҳс-мунозара бошланиб кетди. Юртга, элга, ота-онага муносиб фарзанд бўлиш учун бугунги ёшлар қандай бўлиши ҳақида талабалар шундай ақлли гапларни гапиришдики, уларга қўшилиб мен ҳам қувондим. Зотан, Ватан тараққиётига бевосита дахлдор бўлган иймон-эътиқодли ва баркамол инсонлар бўлиб етишаётган ёшларнинг маънавияти мустаҳкамланиб бормоқда.

### МАЪНАВИЙ БЎШЛИҚ НИМА?

Бу саволнинг қамрови ҳам кенг, жавоби ҳам шунга яраша. Соғлом ҳаёт учун курашиш, инсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш, бизнинг табиатимизга, хулқу атворимизга мутлақо ёт бўлган зарарли одатлардан сақланиш, юқорида таъкидлаганимиздек, дахлдорлик ҳиссини ўз юрагида шакллантириш каби фазилатларнинг бари маънавий бўшлиқни тўлдиради.

Бугунги кунда маънавиятли инсон қандай бўлиши керак деган саволга жавобни атрофингиздаги одамлар ҳаётидан излаганингиз маъқулроқ. Чунки истиқлол йилларидаги ўзгаришлар маънавиятимизга янги йўналиш ва янги тушунчаларни олиб кирди. Лекин бу билан биз ота-боболаримиздан қолган минг йиллик удумларга, анъаналарга ва қадриятларга янгича тус бериб, уни ўзимизча ўзгартирмоқчи эмасмиз. Уларнинг илдизлари шунчалик бақувват, яна минг йиллар бизга ўзлигимизни англатиб туради.

Маънавиятли инсонларни тарбиялаш деганда мен кўпинча ёшларни кўз олдимга келтираман. Жамиятнинг энг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларнинг маънавиятига эътибор бериш ва тарбиялаш эртанги кунимизнинг қуёшини ёруғроқ қилади, ҳаётимз фаровонлигини яна ҳам яхшилайди.

Яна бир ҳаракат йўналиши — касб ўрганишга бўлган интилишнинг кучайганлигидир. Мустақилликнинг инсонга берган буюк неъматлари қатори мустақил фикрлаш қобилиятингни ўстириш заруратга айланди.



Шу маънода 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши анчагина салмоқли ва масъулиятли вазифаларни елкамизга юклайди. Тўғри, бир йил ичида ёшларнинг ҳамма муаммоларини ечиб бўлмайди, бунинг устига "Ёшлар йили" деб ҳамма нарсани тайёр ҳолда кўрсатишимиз ҳам керак эмас. Бу йил — ёшларнинг ўз имкониятларидан унумли фойдаланишлари, ўз иқтидор ва истеъдодларини намоён этишлари ва шу юртга, шу элга муносиб фарзанд эканликларини амалда кўрсатишлари учун очилган эшикдир. "Ёшлар йили" муносабати билан жойларда бошланган икки-уч хайрли ишларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчиси, жойларда ёшлар лоақал бир туп дарахт экишга киришишди, натижада, ёшларимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга бўлган туйғулар уйғонди. Ўз юртини кўркам ва гўзал кўришга интилиш маънавиятнинг бир бўлаги ахир.

Яна бир ҳаракат йўналиши — касб ўрганишга бўлган интилишнинг кучайганлигидир. Мустақилликнинг инсонга берган буюк неъматлари қатори мустақил фикрлаш қобилиятингни ўстириш заруратга айланди. Ҳар бир фикр эса меҳнат билан мустаҳкамланади ва бу иш касб орқали амалга оширилади. Кексаларнинг даврасига кириб қолсангиз, ўтмиш билан бугунги кунни солиштирадиган қайроқи гапларни кўп эшитасиз.

— Ҳозирги замонда касби йўқни бекорчи одам деб атайверинг, — дейди Жуман бува гапни узоқдан олиб. — Бизнинг замонда бекорчини ер кўтарар эди, чунки бирон ҳунарни бошини тутишга имкон ҳам, маблағ ҳам йўқ эди. Энди-чи... э, омон бўлгур, уйинг олдида 3-4 та коллеж қуриб қўйибди, ҳунар ўрган деб... Қайсиси маъқул бўлса, шунисига ўқи. Дипломни олсанг иш топилади, ҳа энди дарров каттакон бўламан деб уринма-да, болам. Мўминжон ҳам (қишлоғидан чиққан катта амалдор) ишни кичигидан бошлаган. Замон тинч бўлса, ҳаммаларинг каттакон бўласанлар, омин.

Буванинг дуосига ҳамма қўшилади, ҳамма бу гапга ишонади, ҳамма қўллаб-қувватлайди.



Кўксимизга қўлимизни қўйиб, одоб билан салом беришимиздан тортиб катталарнинг йўлини кесиб ўтмаслигимиз, улуғларни тўрга олишимиз, омонлашганда қанча пулинг эмас, қанча фарзандинг бор, деб сўрашишларимиз, бир-биримизга кўрсатаётган меҳру оқибатимиз ва саховатимиз, хуллас, ўзлигимизга хос бўлган инсоний фазилатларнинг биз катталарга қўшилиб ёшларимиз онгида ҳам дарахтдай илдиз отиб туриши маънавиятимизни белгилайди. Мана шу дарахт яна ҳам ўсиши, доимо яшилланиб туриши керак.

### КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС

Бу одам бир китоб сўраб келди. Гап орасида болалигини эслади.

— 6-синфда ўқиб юрганимда яхши ўқиганим учун мактаб дирекцияси томонидан Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" деган китоби билан тақдирланганман. Унга менинг исми-фамилиям ёзилиб, ташаккурнома билдирилган ва мактаб муҳри босилган. Мана шу китобни болалигимнинг энг ноёб совғаси, деб 40 йилдан буён асраб келардим. Яқинда уни яна қайта қўлга олиб, ушбу китоб тарихи ҳақида невараларимга гапириб бердим. Шундай сўнг ҳафта давомида шу китобни уларга ўқиб бериш билан ўзига хос "китобхонлик кунлари"ни ўтказдим. Невараларимда китобга бўлган қизиқиш шу даражада ошиб кетдики, ҳар куни нимадир ўқиб беришимни сўрашади. Ҳозир уларга яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги китоблардан ўқиб бераяпман.

Суҳбатдошимнинг сўзлари анчадан буён хаёлимда чарх уриб юрган бир фикрни яна ҳам қатъийлаштирди: "Китобга қизиқтиришни болаликдан бошлаш керак!" Оилада шаклланган ҳар қандай муҳит болага, албатта, ўз таъсирини кўрсатади. Китобхон оиладан ёмон болалар чиқмайди.

Кейинги пайтларда ёшларни китобхонликка буриш, мутолаа қилишлари учун қандайдир йўллар топиш борасида турли баҳс-мунозаралар уюштирилиб, куюнчак мақолалар ёзилмоқда. Менимча, бу йўл билан китобхонни китобга қайтариб бўлмайди. Бунинг учун яхши асарлар муҳокамаси тез-тез уюштирилиб, ёзувчилар ва шоирлар учрашуви ташкил этилиши, уларнинг ёшлар олдига келишларини мунтазам йўлга қўйиш каби йўлларни қидириш керак. Яна бир фикрим бор, уни қуйидаги воқеадан кейин айтаман.

Тадбир бўлаяпти. Ёшлар мураббийи ўқишда, ишда ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ёшларга совға бермоқда. Совға фахрий ёрлиқ ва оқ майка (футболка)дан иборат. Ёнимдаги одам "Майканинг ўрнига китоб берса бўлмайдими?", — деб қолди. Ва шу фикримизни йиғиндан сўнг мураббийга айтдик. У қандай қарорга келди, биз билмадик.

Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, болаларимизга, ёшларимизга, оилаларимизга китобдан ортиқроқ совға йўқ, деб ўзимизни ўргатайлик. Ёшларимизни китобга қайтаришнинг балки яна бошқа йўлларини ҳам қидириш керакдир. Лекин бир нарсани доимо эсда тутиш керак: Ўқиётган болаларимиз ҳам, ёшларимиз ҳам кўпчилик. Истак — уларнинг сафи янада кенгайсин. Зеро, дунёда китобдан яхши дўст йўқ!

***

Даврада эшитган бир суҳбат ёдимдан ўтади, ҳар гал ўзимча янги фикр топаман.

— Қай бир йили ҳовлига бир туп ўрик эккан эдим, бир баҳор келиб, ҳосилга кирди.

— Кўчатлигидаёқ етилиб қолган экан бу кўчат. Алоҳида меҳрингиз тушибди-да?

— Ишонасизми, совуқ кунлари қоп билан ўраб қўйдим, баҳорги изғиринда тагидан ўт ёқиб, тутунладим, Ҳозир ҳосили мўл, унча-мунча совуққа чидамли, касалдан холи, новдалари бақувват, илдизи ҳам ерни кўпориб кетгудек йўғонлашиб кетган.

— Ҳа, энди бу дунёда ҳар нарсага меҳр керак экан, биродар. Дарахтнинг илдизи бақувват бўлса, ҳосилдан қолмайди.

Бу фикрлар мен сизга ҳикоя қилиб берган мулоҳазаларга, воқеаларга ҳам тегишли.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

ХАЛҚ БАНКИ STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
BANK XALQ BANKI

Давлат-тижорат
**«Халқ банки»**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариб, навбатдаги янги, миллий ва хорижий валютадаги**

**"ТАҚДИМ ЭТУВЧИ"** омонат турини таклиф этади:

— миллий валютадаги **"Тақдим этувчи"** омонатга аҳоли пул маблағлари **3, 6, 9 ва 12 ой** муддатга, йиллик **30 фоиз** даромад тўлаш шарти билан камида **200 000 сўм** миқдорида;

— хорижий валютадаги **"Тақдим этувчи"** омонат турига маблағлар **6, 9 ва 12 ой** муддатга **йиллик 6 фоиз** даромад тўлаш шарти билан нақд валютада ва хорижий банклардаги маблағларингизни чекланмаган миқдорда нақд пулсиз ўтказиш йўли билан «Халқ банки»нинг барча филиалларида қабул қилинади.

**Омонатингиз ҳақидаги маълумот сир сақланиши, ҳамма маблағларингизни ҳисобланган фоиз даромадлари билан биринчи мурожаатингиз бўйича берилиши таъминланади.**



«Халқ банки»да аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

**ҲАМКОРЛИК**

## Мафтункор ўлка

### ёки Малайзияда таълим

**Республикамизнинг Жануби-шарқий Осиёда тараққий этган мамлакатлардан бири саналган Малайзия билан алоқалари тобора ривожланиб боряпти. 1993 йил Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилгандан сўнг ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кенг йўлга қўйилди. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йилда Малайзияга қилган ташрифидан сўнг иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари янада ривожланди. Жумладан, таълим соҳасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар бўлди, ёшларнинг Малайзияда таҳсил олишлари учун эса бир қанча имкониятлар яратилди.**

Яқинда пойтахтимиздаги Навоий тоғ-металлургия комбинати бизнес марказида "Малайзияда таълим олиш" кўргазмаси ташкил этилди. Унда нафақат талабалар, қолаверса, ота-оналар, мактаб ўқитувчилари ва қизиқувчи ёшлар иштирок этиб, Малайзия университет ва коллежларидаги ўқитиш тизими билан яқиндан танишдилар.



Кўргазма Малайзиянинг Олий таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, шунингдек, ушбу кўргазмани ўтказаётган "EXPAM" ташкилоти ҳамда Ўзбек-Малайзия "ABDA Travel, LTD" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида Малайзиянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Алауддин Мохд Нор, Малайзия Олий таълим вазирлигининг таълим ва маориф маркетинг департаменти бошлиғи ўринбосари Ваид бин Юнос ҳам иштирок этди. Улар Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан сўнг кўпгина соҳаларда, жумладан, таълим тизимида икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари узвий ривожланиб бораётганлиги, ҳар йили Ўзбекистондан юздан ортиқ мутахассислар Малайзия техник ҳамкорлик дастури бўйича қисқа муддатли курсларга юборилиб, тажриба алмашиб қайтишаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Ушбу кўргазма мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилмоқда. Бу йилги кўргазмада ўтган йилга қараганда иштирокчилар сони ҳам кўп. Бу ерга келишимдан мақсад — Малайзиядан ташриф буюрган тажрибали мутахассислар фикри билан танишиш. Шу билан бирга кўргазмага келган ёшларга университет фаолияти ҳақида керакли маълумотларни таржима қилиб беряпман, — дейди Шарқшунослик институти талабаси Учқун Авлиёқулов.

Малайзия давлати техника тараққий этган мамлакатлардан бири. Шу боис давлатда таълим тизими ҳам йил сайин такомиллашиб боряпти.

Ёшларнинг Малайзияда ўқиб келишларини таъминлашга қаратилган кўргазмада асосан 13 дан ортиқ олий таълим масканлари, жумладан, "Nottingham" университети, Куала Лумпур, "Sunway", "Lim Kok Wing" каби Малайзиянинг машҳур университетларидан келган профессор-ўқитувчилар қатнашиб, талабаларни университетдаги ўқитиш тизими, шарт-шароити билан яқиндан таништирди.




Маълум бўлдики, KDU коллежида тил ўрганиш курслари бўлиб, улар 3 ойдан бир йилгача давом этади. Шартнома пули эса ҳар ой тўланади. Шунингдек, ОАВ соҳасида 3 йиллик магистр йўналиши бўйича "Янги коммуникацион ва медиа технологиялари", "Реклама бериш маданияти", "PR, яъни ижтимоий алоқалар" ҳамда "Таҳрир санъати" каби махсус курслари ҳам мавжуд экан. Хорижда шартнома асосида ўқиш истагида бўлган талабалар ариза ва керакли ҳужжатларни топширишди.

Ҳозирги вақтда Малайзияда 60 мингдан ортиқ чет эллик ёшлар таълим олмоқда. 2010 йилга келиб уларнинг сони юз мингга етиши режалаштирилган. "Малайзияда таълим" кўргазмаси чет элда илм олиш иштиёқида бўлган талабалар сонининг янада кўпайишига ёрдам беради.

**Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА**

**ЖАҲОНГА МАШҲУР МАСКАНЛАР**

## Пекиндаги **император музейи**

Хитой императори саройи музейи йирик тарихий-маданий ёдгорлик ҳисобланади. Император қасри бир нечта бўлимга бўлинган, ҳар бирининг ўз номи, муайян мақсад ва вазифалари мавжуд эди. Саройга кириш бутун бир мураккаб фазовий композицияни ташкил қилади.



Энг биринчи Цяньмень дарвозасидан кирилади, кейин эса Дацинмень дарвозаси келади. Гугун (Қадимги сарой) XV аср биринчи ярмида қурилган. У 1914 йилда музейга айлантирилган. Императорлик музейи билан танишиш Тяньаньмень майдонидан бошланади. Мин даврида бу ер маъмурий марказ ҳисобланган. Умень дарвозасидан кирилгач, император боғи бошланади. Тошларнинг коллекцияларини шу жойда учратишингиз мумкин. Императорнинг ҳукмдорлик рамзи ҳисобланган аждар сурати деворларда акс этган. Музей доимо сайёҳлар билан гавжум.

**Севара ШЕРАЛИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

### САМОЛЁТ ЧИПТАСИ НАРХИ... БЕШ ЕВРО!




Ирландиянинг Aer Lingus компанияси АҚШга парвоз қилувчи самолёт чиптасини беш доллардан сотди, деб хабар беради AFP. Бу компания касса тизимидаги хато туфайли юз берган. Ушбу хато сабабли юздан ошиқ мижоз бир неча ўн баравар арзон баҳода чипта сотиб олишга муваффақ бўлган. Аслида Трансатлантик йўналишдаги, хусусан, Қўшма Штатлар учун чипта баҳоси 1775 евро (2830 доллар)ни ташкил этади.

Компания юз берган хато учун арзон баҳода билет сотиб олган мижозлардан узр сўраган ва харидни қайта амалга оширишни эслатиб ўтган. Корпоратив масалалар бўйича директор Энда Корнейл билетлар аллақачон бекор қилинганини таъкидлаган.

Ирландия истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмаси вакили Дэрмо Жуел эса компаниянинг чипталарни бекор қилиш борасидаги қарорини танқид қилган. Унинг таъкидлашича, мижозлар чипта сотиб олиш орқали Aer Lingus билан савдо битимини имзолаганлар, шундай экан, компания мазкур келишувга риоя этиши шарт.

### АФҒОНИСТОН ОСМОНИДА УЧУВЧИСИЗ ТЕХНИКА



Афғонистондаги Испания ҳарбий контингенти илк бора учувчисиз Searcher Mk II-J ускунасини синовдан ўтказди. Асосан разведка мақсадида фойдаланиладиган мазкур техника синов парвози муваффақиятли якунланди. Учиш мосламаси Ҳирот шаҳридаги марказдан бошқарилди. Парвоз жараёнида бир қанча манёврларни амалга оширган ускуна марказий қурилмага зарур ахборотларни ҳам етказиб турди.

Searcher Mk II-J техникаси Исроилнинг Aircraft Industries компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Испания ҳаво кучларига ушбу русумдаги қурилмани сотиб олиш бўйича битим ўтган йили имзоланган. Бунга кўра, тўрт дона Searcher Mk II-J техникаси баҳоси 20 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур ускуна кундузги ва тунги шароитда 300 километргача бўлган радиусда текширув олиб боради. 12 соат давомида 6100 метр баландликка уча оладиган учувчисиз техника айни пайтда Исроил, Сингапур, Тайвань, Таиландда ва Шри-Ланка ҳарбий тизимида қўлланилади.

### ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ТАНҚИДГА УЧРАДИ



Америка президентлиги учун номзод Жон Маккейн рафиқаси Синди Маккейннинг даромадлари тўғрисидаги солиқ декларациясини эълон қилмагани учун танқидга учради.

Яқинда эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда, республикачилар партиясидан давлат раҳбарлиги учун курашда қатнашаётган Ж.Маккейн 2007 йилда 420 минг доллар даромад қилган. Шундан 162 минг долларни у Сенатдаги фаолияти учун ойлик сифатида олган. Даромаднинг қолган улуши эса 72 ёшли номзодга пенсия ва ёзган китоблари учун қалам ҳақи сифатида берилган.

Номзоднинг рафиқаси Синди Маккейн пиво савдоси билан шуғулланувчи компания вориси саналади. Маҳаллий матбуот хабарига кўра, унинг бойлиги 100 миллион доллардан ошади. Маккейннинг рақиблари — демократик партия вакиллари рафиқасининг даромадлари хусусидаги маълумотларни ошкор қилмагани учун уни танқид остига олишди.

Ўтган ҳафта демократик партиядан кўрсатилган номзод Барак Обама ҳам ўз даромадлари хусусидаги маълумотни жамоатчиликка тақдим этди. Бунга кўра, Барак Обама ва унинг рафиқаси Мишель 2007 йилда 4,2 миллион доллар даромад қилганлар. Китоблар савдоси демократлар оиласи учун асосий молиявий манба бўлган.

### ДЕПУТАТ СУД ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Буюк Британия парламенти депутати, лейбористлар партияси аъзоси Роб Маррис ўзгалар мулкига зарар етказиш айби билан ҳибсга олинди. Бу ҳақда The Daily Mail газетаси хабар берган.

Вулвергемптон шаҳридан парламент депутатлигига сайланган 53 ёшли Роб Маррис эрталаб бошқа йўловчилар қатори бекатда автобус кутаётган эди. Автобус бекатга келган пайтда шу ерда тўхтаб турган фургон йўловчиларнинг транспорт воситасига чиқишига халақит берган. Фуқаролар ҳайдовчидан машинани четроққа олишни илтимос қилишган. У эса йўловчилар сўровини қатъиян рад этган. Шунда депутат Маррис машина капоти орқали автобусга чиқиб олган. Маҳаллий депутатнинг фургон капотига чиқиши ҳайдовчининг кескин норозилигига сабаб бўлди ва у полицияга мурожаат қилди.

Депутат устидан суд апрель ойи охирларида ўтказилиши кутиляпти. Роб Маррис унга қўйилган айбни инкор этган ҳолда, аслида ҳайдовчининг ўзини жазолаш кераклигини айтмоқда.

### ВЬЕТНАМ ЭНДИ ЎЗ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИГА ЭГА




Вьетнам давлати ўз тарихида биринчи бор телекоммуникацион сунъий йўлдошни фазога чиқарди. Европа фазо агентлигининг Ariane-5 ракета ташувчиси Vinasat-1 сунъий йўлдошини белгиланган масофага олиб чиқди.

Ракета парвози Француз Гвианасидаги Куру космодромидан амалга оширилди. Ушбу жараён Вьетнам телевидениеси орқали тўғридан тўғри эфирга узатилди.

Вьетнам бош вазири Нгуен Тан Зунг фуқароларни ушбу муҳим ҳодиса билан қутлади ва бу мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ошишига хизмат қилишини таъкидлади.

2,6 оғирликка эга бўлган Vinasat-1 йўлдоши Lockheed Martin коопорацияси томонидан ишлаб чиқарилган. У Интернетнинг 10 мингга яқин канали ва 120 дан ошиқ рақамли телеканалларга хизмат кўрсата олади. Ушбу лойиҳа мамлакат бюджетига 300 миллион АҚШ долларига тушди. Вьетнам раҳбарияти сунъий йўлдош каналларини Таиланд ва Сингапурга фойдаланишга бериш орқали харажатларни камайтиришни кўзламоқда.

Вьетнамда телекоммуникация соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд. Статистик маълумотларга кўра, мамлакат ҳудудининг 57 фоизи телефон тармоғи билан таъминланган, 23 фоиз аҳоли Интернетдан фойдаланиш имконига эга. 86 миллионлик аҳолининг деярли чорак қисми телевидение дастурларини кўриш имкониятидан маҳрум. Сунъий йўлдошнинг фазога чиқарилиши мазкур муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериши кутилмоқда.

### ЯПОНЛАРДАН ЯНА ЯНГИЛИК

Sanyo компанияси Xacti DMX-CA8 русумли портатив сув ўтказмайдиган видеокамера ишлаб чиқарди. Ушбу техник восита сув остидаги видео ва фотосъёмкаларни амалга ошириш имконини беради.

Xacti DMX-CA8 камераси саккиз мегапикселлик сенсор ҳамда беш баравар катталаштира оладиган зум мосламасига эга. Видеокамера орқали тасвирга олинган файлларни ички хотирага сақлаш мумкин. Шу билан бирга аппаратга 32 гигабайт ҳажмли SDHC хотира картасини ҳам қўйса бўлади.

Камера фотосуратларни JPEG форматда 4000x3000 пикселгача бўлган ҳажмда қабул қилади. Видеотасвирлар эса MPEG-4 AVC/H.264 форматда, энг юқори сифатида ёзиб олинади.

Электроника бозорида етакчи мавқега эга бўлган Sanyo компаниясининг Xacti DMX-CA8 аппарати Япония ички бозорига жорий йил майида чиқарилади. Унинг тахминий нархи 500 долларни ташкил этади.



**КУЗАТУВ**

## Путин ва Берлускони дўстлигининг сири

### Таниқли икки сиёсий арбобларнинг Сардиниядаги учрашувида стратегик масалаларга эътибор қаратилди

Россия президенти Владимир Путин ҳамда Италиянинг янги сайланган бош вазири Сильвио Берлускони ўртасида эски дўстлик алоқалари бор. Икки таниқли арбобнинг ўтган ҳафта Сардиниядаги учрашуви чоғида ҳам ана шу қадрдонлик яна бир карра намоён бўлди. Эътиборли жиҳати, бу Владимир Путин учун давлат раҳбари сифатидаги сўнгги хориж сафари бўлди, Берлускони эса янги муддатни бошлашга ҳозирлик кўраётган ҳукумат бошлиғи сифатида дастлабки президентни қабул қилди.

Сильвио Берлускони Россияга европалик арбобларга хос бўлмаган даражада илиқ муносабатга эга. Олдинги муддатдаги бош вазирлик даврида ҳам, аниқроғи, 1994 йили у "Эски дунё" давлатлари орасида биринчи бўлиб Россия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битимга имзо чеккан эди.

Бу галги учрашувдан кейин журналистларга берилган интервью пайтида ҳам у Ғарб Россия билан алоқаларсиз узоққа бора олмаслигини таъкидлади. Европа учун ноодатий бўлган бундай ёндашув кўҳна қитъанинг аксарият пойтахтларида кескин муносабат уйғотгани табиий. Лекин ўзини сиёсий арбоб сифатида Юлий Цезарга қиёслайдиган Берлускони бу каби норозиликларга кўп-да эътибор беравермайди.

Берлускони — Путин дўстлиги бундан кейин ҳам давом этадиган кўринади. Гарчи Россияда сиёсий тизимга кучли таъсир этмайдиган, аммо жиддий ўзгаришлар бўлиши кутилаётган бўлса ҳам. Буни Ливияда Муаммар Қаззофий билан учрашувдан кейин Италияга келган Россия раҳбарининг Берлусконига қарашли зумрад оролдаги ҳашаматли виллада тантанавор тарзда қабул қилингани ҳам тасдиқлаб турибди. Учрашувдан кейин итальян журналистлари миллиардер бош вазир ҳамма давлат раҳбарини ҳам ўз уйида қабул қилавермаслигини таъкидлашди. Рус журналистлари эса бундан бир неча йил олдин Владимир Путин ҳам Санкт-Петербургдаги дачасида Сильвио Берлускони ни бундан-да ҳашаматлироқ тарзда кутиб олгани, яъни Сардиния қабули "саломга яраша алик" бўлганини эслашди.

Аслида бу икки сиёсий арбоб илк бора 2001 йили "Катта саккизлик" давлатлари йиғинида Гения шаҳрида (ўшанда ҳам Италияда) учрашишган эди. Италия бош вазири Владимир Путин билан учрашувдан кейин Петербургдан чиққан президент унга маъқул бўлгани, Ғарбда унга нисбатан мавжуд салбий муносабатни тушунолмаганини айтган эди. Шундан бери бу икки арбоб турли даражадаги анжуманларда 10 марта учрашишди. Villa Certosadаги учрашув эса бу ҳисобда ўн биринчи бўлди.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўртасидаги дўстлик муносабатларида шахсий муносабатдан кўра манфаат юқори туриши табиий ҳолат. Шу маънода Берлускони ва Путин ўртасидаги дўстликни ҳам турли манфаатлардан юқори турувчи қадрдонлик деб баҳолаш ортиқча соддалик бўлар эди.

*"Москва ва Римни узилмас ришта каби боғлаб турган сабаблардан бири бу газ ресурси. Янги минг йилликка келиб газ нархининг тобора ошиб бораётгани Берлускони Путин билан алоқаларни янада яхшилашга ундаётган омиллардан биридир. (Таҳлилчилар фикрича, Владимир Путин президентликдан кетганидан кейин ҳам давлат сиёсатида ҳозиргидан кам таъсирга эга бўлмаслигини италиялик медиамагнат жуда яхши англайди)."*

Айни пайтда Европанинг бошқа давлатлари каби Италия ҳам Россиядан катта миқдорда энергия манбалари сотиб олади. Маълумотларга қараганда, Апенин ярим ороли давлати Россиядан ҳар йили ички эҳтиёж учун зарур бўлган нефть ва



газнинг 30 фоизини харид қилади. Мазкур талаб эса йилдан-йилга яна ошиб боряпти. Шу боис ҳам ҳозирда Италиянинг ENI компанияси ва Россиянинг «Газпром»и жанубий оқим деб аталаётган янги газ қувурини ишга тушириш бўйича иш олиб боришяпти. Мазкур газ қувури Рим учун катта аҳамиятга эга. Ушбу қувур орқали Италияга йилига 30 млрд. куб метргача рус гази етказилади. Бундан ташқари, ENI ва «Газпром» Ливия нефть конларини биргаликда ўзлаштириш бўйича ҳам ўзаро келишувга эришиш арафасида. Хуллас, рус ва итальян компаниялари янги энергия манбаларини топиш каби муҳим соҳада ҳам яқин ҳамкорлик қиляпти.

Айни пайтда энергия каби муҳим стратегик масала турган пайтда давлатлар ўртасидаги сиёсий зиддиятлар ҳам аҳамиятсиз бўлиб қоляпти. Катта давлатлар ҳам газ, нефть каби бойликлар олдида ўзларининг кўп йиллик сиёсий стратегияларини-да ўзгартириб юборишяпти. Бу жиҳатдан бир қўлида бизнес, яна бир қўлида сиёсат байроғини кўтарган Берлусконининг хатти-ҳаракатини, Брюссель эътирозларига ҳам қарамай, Москва билан тил топишга уринаётганини тушуниш мумкин.

Сардиния учрашувининг муҳим хулосаси шу бўлди: Сильвио Берлускони Россия билан муносабатларни яхшилаш унинг даврида мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлишини маълум қилди. Бироқ ҳали расман вазифасини бажаришга киришмаган арбобнинг сўзларини шошма-шошарлик деб баҳолаган таҳлилчилар ҳам бўлди. Улар Италияда кўпдан бери коррупцияда айбланаётган Берлусконига халқ орасида ҳали ҳам тўла ишонч кайфияти мавжуд эмаслигини таъкидламоқдалар.

Сардиниядаги учрашув дўстона руҳда ўтди, ҳар икки арбоб имкон қадар ўз давлати манфаатларини ҳимоя қилишга интилди. Лекин денгиз бўйидаги баҳаво масканда ўтган учрашувда бирор бир масалада аниқ битим имзоланмади. Бунинг сабаби, расмий тартиблар билан боғлиқ. Сильвио Берлускони икки ҳафта олдин ўтган сайловда ғалаба қозонган бўлса-да, ҳали расман ўз вазифасини бажаришга киришганича йўқ. Владимир Путин ҳам айни пайтда давлат раҳбари лавозимини тарк этиш ва ҳукумат раҳбари вазифасига ўтишга ҳозирлик кўряпти. Хуллас, ҳар икки сиёсий арбоб ҳозирча портфелсиз бош вазир мақомида турибди.

**Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида Нурали ПАРДАЕВ тайёрлади.**

# Зиё шарқдан таралади

## Тошкент давлат шарқшунослик институти бугунги кунда дунёнинг 15 дан ортиқ давлатларидаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатган

***Ўзбекистонда шарқшунослик таълимининг илк пойдевори бундан расман 90 йиллар муқаддам қўйилган бўлса-да, узоқ вақтлар мобайнида бу таълим "лойини қорган"лар рўйхати орасида бирор шарқ олимининг исми-шарифи учрамади. 1950 йилларнинг аввалидагина Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) таркибидаги шарқ факультетини тугаллаган илк "қалдирғоч"лар учирма қилинган, уларнинг кўпчилиги бугун илм-фан соҳасининг баланд чўққиларида ошиён қурган, десак хато қилмаган бўламиз. Азизхон Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Шоислом Шомуҳамедов, Пиримқул Қодиров, Турғун Файзиев, Бўрибой Аҳмедов, Алибек Рустамов сингари ёзувчи ва олимларнинг талабалик йиллари шу олий даргоҳда кечган. Илм нарвонининг илк машаққатли пиллапояларига чиқишни толиблар шу масканда ўрганишган.***




Тошкент давлат шарқшунослик институтининг тараққиёт йўли Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 15 июлдаги Қарорига биноан Тошкент давлат университети ҳузуридаги шарқшунослик институти мустақил Тошкент давлат шарқшунослик институтига айлантирилди.

Мустақиллик йиллари мобайнида мазкур олий ўқув юрти Марказий Осиё ҳудудининг энг йирик шарқшунослик таълим маркази, шарқ илмининг энг қайноқ ўчоғига айланиб улгурди. Шарқ халқлари тарихи, маданияти, тили, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, халқаро муносабатларини кенг қамраб олган, уларни дунё миқёсида қиёсий услубда ўрганадиган, академик тарзда билим беришга йўналтирилган бу каби илм маскани қўшни Ҳамдўстлик давлатларида йўқ. Институт мавқеининг тобора ошаётганини, мутахассис кадрлар салоҳиятининг ўсаётганини, аввало, ҳукуматимизнинг илм-маърифатга, ёшлар ҳаётига эътибори ортаётгани, юртимизнинг дунё миқёсидаги нуфузи кучаяётгани билан боғласак, тўғри бўлади. Қолаверса, олий таълим даргоҳи раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, юқори даражали илмий мутахассисларнинг кўплиги боис бугун бу институт тобора ўз ўрни ва қиёфасига эга бўлиб бормоқда.

— Бугун хорижлик олимлар ўз билим ва тажрибаларини фақат Ўзбекистон бўйича эмас, балки Марказий Осиё ҳудуди миқёсида тадқиқ этиб, ўрганмоқдалар, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдураҳим Маннонов. — Дунё олимлари Ўзбекистондаги тараққиётни Марказий Осиё ҳудуди билан яхлитликда тушунишлари, минтақада ўрганилиши назарда тутилаётган энг актуал мавзулар ва ечимини кутаётган илмий муаммолар Тошкент шарқшунослик институтида муҳокама этилиши одат тусини олди. Ана шу жиҳатдан олганда, таълим соҳасининг янги йўналишларидан биринчиси — Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси ташкил этилиши қувонарли воқеа бўлди. Бу кафедра юртимизда қолаверса, минтақада ягона ҳисобланади. Бунда минтақа халқлари тарихи, диний, маданий, ижтимоий-иқтисодий, этник муносабатлари ўзаро уйғунликда ўрганилади. Шуни қайд этиш лозимки, республикамиз ўз теварагидаги мамлакатларнинг ташқи сиёсий, маданий-маърифий муносабатларини уюштиришда бу кафедра катта аҳамият касб этади.

Охирги йилларда институтнинг таълим ислоҳотларида минтақашунослик йўналиши юзага келди. Бу янги йўналиш чет давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлларини, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги глобаллашув ва интеграциялашув шароитларини, жаҳон товар бозорини ўрганади. Янги йўналишнинг муҳим жиҳати шуки, бу масалалар Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий соҳалар билан қиёсий тарзда таҳлил этилади.

Институтдаги янги таълим йўналишларидан бири — Шарқ мумтоз филологияси бўлиб, нафақат юртимизда, қўшни давлатлар олий таълим муассасаларининг бирортасида ҳам бу сингари йўналиш йўлга қўйилмаган. Сир эмас, бугун кўпчилик мумтоз адабиётимиз намуналарини, адабий меросимиз мисраларига яширинган бадиий ижод сир-синоатларини тўла тушуна олмайди. Янги йўналишнинг асосий мақсади матншунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан қадимги араб, форс, эски ўзбек тилларини чуқур ўрганишдан иборат.

Тошкент давлат шарқшунослик институти бугун Россия, Хитой, Япония, Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Германия каби дунёнинг 15 дан ортиқ хорижий давлатлари билан ҳамкорлик ҳужжатларини имзолади. Бу шартномаларга кўра профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талабалар ҳамкорлигида халқаро конференция, симпозиумлар уюштирилиб, муштарак илмий лойиҳалар амалга оширилди. Ўтган ўқув йилида юзга яқин аълочи, фаол талабалар дунёнинг ўндан ортиқ давлатларидаги олий таълим муассасаларида, коллежларида билим тажрибаларини алмашдилар. Ўз навбатида ўзбек, араб-форс тиллари, унинг тарихи, маданиятини, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишга қизиқаётган хорижлик ёшлар сонининг ортаётгани қувонарли ҳол.

Бир ярим йилдан буён Тошкент давлат шарқшунослик институтининг аспирантура босқичида таълим олаяпман, — дея суҳбатга киришди Жанубий Корея давлатидан келган аспирант қиз Ли Джи Юн. — Мен Марказий Осиёда энергетика сиёсатининг шаклланиш жараёнларини Ўзбекистоннинг Корея билан ҳамкорлик контекстида ўрганмоқдаман. Сизнинг турмуш тарзингиз, ўқитувчилар, тенгдошларимнинг муомала муносабатлари менга жуда ёқади. Насиб қилса, илмий ишимни шу ерда ҳимоя қилганимдан кейин бу ерда ўтган кунларим ҳақида ёзмоқчиман, — деди ёш тадқиқотчи.

Дунёнинг етук шарқшунос олимлари, маънавият-маърифат намояндалари бу масканадаги таълим-тарбия ишларига эътибор қаратмоқдалар. Мана, яқиндагина институтга Деҳли университетидан бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди. Улар ҳар икки олий ўқув юрти учун манфаатли бўлган қатор таклиф ва мулоҳазаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, ўзаро ўқитувчилар ва талабалар ўртасида тажриба алмашинуви, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистондаги қадимий обидалар, эски ёзувларни биргаликда тадқиқ этиш, кўҳна ҳинд фалсафасининг Марказий Осиё халқлари фалсафасига таъсирини ўрганиш, Деҳли университетида ўзбек тили ўқитилишини йўлга қўйиш сингари масалалар кўрилди.

Бугун бу илм масканида учта факультет бўлиб, улар: шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи, Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари, халқаро алоқалар ва иқтисод. Шунингдек, аспирантура ва магистратура бўлимлари, 28 та кафедра, 5 та илмий-тадқиқот гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Шуни айтиш лозимки, Халқаро иқтисодий алоқалар факультети бугун бир қатор бошқа олий ўқув юртларида ҳам ташкил этилган. Аммо шарқшунослик институтини халқаро иқтисодий алоқалар бўйича битирган ёшлар иқтисодчи мутахассис бўлишлари билан бирга камида икки тил: Шарқ ва Ғарб тилларидан ҳам ўрганиб чиқадилар. Халқаро йирик банкларда қийналмай иш юрита оладилар. Шу факультетнинг 1-босқич магистранти, Навоий номидаги давлат стипендианти совриндори Уммат Шабанов шундай дейди:

— Араб тилига бўлган қизиқишим мени шу институтга олиб келди. Бу ерда араб тилини, маданиятини, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганиб, атрофлича танишганимдан кейин, ўзимда араб иқтисодиётига қизиқиш ортаётганини ҳис қилдим. Шунинг учун халқаро алоқалар ва иқтисод факультети магистратура босқичида ўқишни давом эттираяпман. Шунинг билан бирга инглиз тилини мукаммал ўргандим. Араб мамлакатлари иқтисоди бўйича мутахассис бўлиб етишиш, араб давлатлари ва Ўзбекистоннинг иқтисодини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшиш ниятим бор.

Бу олий ўқув юрти даргоҳида араб, форс, дари, пушту, ҳинд, урду, уйғур, турк, хитой, япон, корейс, индонез, малай, вьетнам, рус, инглиз, немис, француз сингари хорижий тиллар ўргатилади. Институтда 474 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан 3 нафар академик, 53 нафар фан доктори, профессор, 152 нафар фан номзоди, доцент олимлар талабаларга билим берадилар.

"Мен халқаро муносабатларга жуда қизиқаман, аммо, институтнинг бакалавр босқичи халқаро алоқалар ва иқтисод факультетига кира олмадим, — деди Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети талабаси, "Келажак овози" танловининг республика босқичи ғолиби Умида Раҳимова. — Айни пайтда француз тилини ўрганаяпман, аммо халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши бўйича магистратура босқичида ўқишни давом эттириб, ниятимга албатта, етаман".

Институт ёшларининг ўзини тутиши, муомала маданиятини кўриб, ҳавасингиз келади. Бўлажак Шарқ зиёлиларининг янги авлод вакилларида катта умид, меҳр ва маърифат учқунларини илғаш қийин эмас.

"Мақсадимиз ҳам асли шу, фақат шарқшунос мутахассислар етказиш эмас, балки халқаро миқёсда иш юритадиган, фаол ва маънавий етук шахсларни тарбиялаш, — дейди институт ректори Абдураҳим Маннонов, — "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун институтнинг махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Айни кунларда ўқув масканимизда шу тадбирларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ҳозир бизда 4016 нафар талаба таҳсил олмоқда. Йилдан-йил институтимизда таълим олиш учун ҳужжат топшираётганлар сони ортиб бораяпти. Олий ўқув юртимизни битираётган ёш мутахассисларга ҳозир республикамизда талаб ва эҳтиёж катта. Улар ҳаётимизнинг айтарли ҳамма соҳаларида: олий ва ўрта махсус таълим соҳасида, банк ва сайёҳлик фирмаларида, солиқ ва божхона хизматида, ташқи ишлар вазирлигида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, ЎзФАнинг илмий тадқиқот ва қўлёзмалар институтларида, музей ва маданий муассасаларда фаолият юритмоқдалар.

Институт қошида икки академик лицейимиз бор. Марҳамат, иштиёқли, билимли йигит-қизларни биз Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олишга таклиф этамиз."

**Лазиза НОРИНБОЕВА, журналист.** ®


Сурхондарё вилоят Қизириқ туман Машина трактор парки ҳиссадорлик жамиятининг 2007 йил якунлари бўйича умумий ҳисобот йиғилиш 2008 йил 25 апрель куни жамият мажлислар биносида соат 10:00 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА :

1. Акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2007 йил якуни бўйича ҳисоботи;
2. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг ҳисоботи;
3. Акциядорлик жамияти тафтиш комиссияси ҳисоботи;
4. Акциядорлик жамиятининг 2007 йил молиявий фаолияти якунлари бўйича аудит хулосасини, соф фойда ва дивидентлар тақсимотини тасдиқлаш;
5. Акциядорлик жамиятининг 2008 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш;
6. Акциядорлик жамияти бошқарув раисини сайлаш ва жамият кузатув кенгаши билан бошқарув раиси ўртасида имзоланган шартномани тасдиқлаш;
7. Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш ва тасдиқлаш;
8. Акциядорлик жамияти тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш ва тасдиқлаш;
9. Акциядорлик жамияти ижроия органи таркибини қайта сайлаш;
10. Бошқа ҳар хил масалалар.

Эслатма: жамият умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2008 йил 25 март ҳолати бўйича тузилган. Акциядорлар ва унинг вакилларида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини берувчи ишончнома бўлиши шарт.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ


АЙТГАНЧА

# Топономик сўз танлашда адашмайлик

Ер-сув номлари ёки географик номлар, илмий тил билан айтганда топоним сўзлар ҳисобланади. Улар аниқ жойнинг иқтисодий ва табиий географик хусусиятини ёки шу ерда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ифодалайдиган атоқли отлардир.

Топоним сўзлар халқ ижоди маҳсули ўлароқ шу ерда яшайдиган халқ тилида ва шева лексикаси ёрдамида ҳамма учун тушунарли сўзлардан таркиб топса ҳам шаҳар-қишлоқларга, кўча-кўйларга ном қўйиш ўта масъулиятли юмуш. Чунки ҳамма сўзлардан ҳам жой номи ясалавермайди, бошқача айтганда топоним сўз танлайди ва китобий сўзларни хуш кўрмайди. Жой номлари халқ ижоди самараси ва халқ каби оддийдир. Фалсафадаги замон ва макон тушунчалари жойларга, жумладан, кўчаларга ном қўйишда бош принцип бўлмоғи керак. Яна ҳам аниқроқ айтганда, шу ердаги реал ҳақиқатдан, ўтмишдан, кундалик ҳаётдан, мавжуд табиий ва иқтисодий воқеликдан келиб чиқиб, ном танлаш керак. Собиқ иттифоқ даврида урф бўлган аҳоли пунктларига, кўча-кўйларга баландпарвоз номлар қўйиш, қўшиб ёзиш, мафкуравий лоф уриш сингари кўзбойлағич сиёсат ўзини умуман оқламаслигини энг олий ҳакам — вақт бугун очиқ-ойдин кўрсатиб қўйди. Шунинг учун ҳамма топонимлар ҳам чиройли бўлиши шарт эмас, аммо реал воқеликни акс эттириши лозим.

Фанда, жумладан, картографияда, инчунун топонимикада генерализация принципи, яъни хусусийликдан умумийликка ўтиш, бошқача айтганда умумлаштириш принципи қўл келади. Масалан, Осиё, Австралия, Помир каби макротопонимлар дастлаб кичкина бир географик ҳудуднинг, нуқтанинг номи бўлган ва одамларнинг географик тасаввури кенгая борган сари улар бутун бир ўлканинг номига айланган.

Бирор қишлоқ ёки маҳаллага ном бераётганда ёки номи ўзгартирилаётганда ўша қишлоқ ёки маҳалла учун шу ҳудудда учрайдиган қадимий қудуқ, кичикроқ ариқ, эски кўприк ўрни ёки жарликнинг номини, шунингдек, қишлоқ ёки маҳалла аҳлининг асосий касб-корини асос қилиб олса бўлаверади.



Ўрта Осиёда, жумладан, юртимизда жойларга буюк кишиларнинг номларини қўйиш қадимдан расм бўлган эмас. Шунинг учун республикамиз ҳудудида Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ зотларнинг номлари билан аталадиган ҳудудлар кам учрайди. Аксинча, ариқ қазган, кўприк қурган, масжид кўтарган ва бошқа қурилишлар қилган кишиларнинг номлари ўзлари қурдирган иншоотларга боғлиқ ҳолда топонимик сўзлар ҳосил қилиб, тарих зарварақлари силсиласига муҳрланиб қолган.

Жой номи кўпинча икки компонентдан, яъни таркибий қисмдан иборат бўлади. Чунки биргина сўз турдош от, айтайлик, ижтимоий-иқтисодий термин топоним ролини бажара олмайди. Масалан, Бахт, Висол, Иззат, Маҳорат, Одоб каби сўзлар аниқ жойнинг ўзига хос хусусиятини акс эттирмайди. Агар шундай сўзлардан топоним ясаш шарт бўлса шу терминлар ёнида иккинчи бир аниқловчи сўз ёки қўшимча бўлмоғи керак. Топонимнинг ўзаги отдан, иккинчи таркибий қисми эса сифатдан — Оқтепа, Каттақир ёки сондан иборат бўлиши мумкин — Учтепа, Бештол каби. Бундан ташқари грамматик қўшимча олади — Қумлоқ, Тераклли, Пичоқчи, Совунгарлар, Кўкча сингари. Бироқ Дўрмон, Найман каби уруғ-аймоқ номлари атоқли от бўлганидан мустақил топоним функциясини бажаради. Аслида дастлабки пайтларда бу топонимларнинг ёнида қўшимчаси бўлган бўлса ҳам (Дўрмонтепа, Найманқишлоқ) кейинчалик бу номлар ихчамлашиб Дўрмон, Найман шаклини олган.

Республикамиздаги катта-кичик географик объектларни энг мукаммал топографик карталардан аниқлаб бўлса эди, бир неча миллион топоним чиққан бўларди. Яхшиямки, тош, тоғ, сув, сой, ариқ, қудуқ, жар, кўприк каби географик терминлар кўплаб жой номлари таркибида учрайди. Шунинг учун биргина топоним муайян ҳудудда бир неча марта такрорланади. Масалан, Қумлоқ, Тошлоқ, Оқтепа, Қорапета, Оқтоғ, Қоратоғ, Кўксув, Қорасув каби... Бундай ҳолларда катта-кичик, янги-эски, юқори-пастки каби сифатлар иш беради.

Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида бизлар учун ҳозирча тушунарсиз ёки ноаниқ бўлган кўҳна номлар ҳам бисёр.

Аҳоли пунктларига, тоғу тошларга ва бошқа объектларга тўғри ном қўйиш, шунингдек, тарихий топонимларнинг маъносини таъбирлаш учун топонимика фанининг сир-асрорларидан хабардор бўлмоқ керак. Бунинг учун эса топонимиканинг қонуниятларидан баҳс этадиган қўлланмалар, рисолалар ва салмоқли илмий асарлар нашр қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Суюн ҚОРАЕВ, география фанлари доктори.**

# Бахтини қўл билан яратур одам...

(Бошланиши 2-бетда.)

— Собиқ иттифоқ даврида тўрт республика ҳудудида фаолият кўрсатганман, — дея хотирлайди. Ҳамза Маҳкамов ўтган кунлари ҳақида. — Марказий Осиё давлатларидаги деярли барча темир йўлларни таъмирлаш, қайта қуриш ишларида иштирок этишимга тўғри келган. Бироқ темир йўлчи сифатида чорак асрлик фаолиятимдаги энг қизғин, эсда қоларли йилларим — бу айнан мустақиллик йилларида бўлган. Негаки, собиқ иттифоқ даврида биз фақат темир йўлларни таъмирлаш билан шуғулланганмиз. Истиқлолга эришгач, Президентимиз томонидан мустақил давлатимизнинг иқтисодий қон томири ҳисобланган темир йўлларимизни қайта таъмирлаш, янги йўллар қуриш бошлаб юборилгач, ишларимизда туб бурилишлар юзага келди. Эътибор қилсангиз, шўролар даврида деярли барча республикалар ҳамма соҳаларда бир-бирига ва уларнинг барчаси эса марказга қарам қилиб ташланганди. Бу ҳолни ҳатто темир йўллар хизмати соҳасида ҳам кўриш мумкин эди. Шунинг учун илк маротаба ўзимизнинг мустақил темир йўлимиз — Учқудуқ — Мискент — Урганч темир йўли қурилишига зўр завқ-шавқ, шижоат билан киришганмиз.



«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлида пўлат излар шу тахлитда ёткизилган эди...

Ҳамза Маҳкамовнинг анча камгап эканлигини ҳар қандай одам биринчи суҳбатданоқ англаб олиши қийин эмас. Ундан ўз касби, ҳамкасблари, умуман, темир йўлчилар ҳаёти ҳақида сўрасангиз қулфи дили очилади. Шунда сезамизки, касбига меҳри бўлакча. Темирйўлчиликнинг ҳар бир сир-асрорини яхши билади, наинки билади, балки ардоқлайди. Шу дамгача яшаган ярим асрлик умрнинг тенг ярмини пўлат излар устида ўтказиш... Бу ахир айтишга осон, қолаверса, йўл ёткизиш крани машинисти — бу иссиқ кабинада ўтириб тепловоз бошқарувчи дегани эмас-да. Пўлат изларни туташтирувчи ишчи-техник ходимларнинг хавфсиз ва сифатли ишлаши, аввало, пўлат изнинг бир текис ва аниқ туширилишига боғлиқ. Темир йўл крани машинистидан эса биринчи навбатда худди ана шу нарса талаб қилинади. Озгина хатолик ёки ҳисобда ноаниқликка йўл қўйиши иш самарадорлигига путур етказиши, ҳатто туташтирувчи ҳамкасблар ҳаётига хавф солиши мумкин.

Чорак асрлик фаолият давомида қаҳрамонимиз темир йўл қурувчиси сифатида касбига доир жуда кўп эсда қоларли воқеаларни бошдан кечирган. Аммо уларнинг бироргасини Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўл қурилиши билан қиёслаб бўлмайди. Ҳамза Маҳкамовнинг фикрича, ушбу темир йўл қурилиши, умуман темир йўллар тарихидаги жуда камёб, фавқулодда ҳодисалардан саналади. Қолаверса, яқин ўн йилликлар ичида Ҳамдўстлик давлатларида қурилиш-муҳандислик кўлами жиҳатидан ягона объектдир.

Ҳатто қурилиш ишларини бошлаш ҳақида ҳукумат қарори чиққач, "Бундай оғир ва мураккаб ишни ўзимизнинг мутахассислар уддалай олишмайди, хорижликлар келиб қуриб беришаркан", қабилида гап тарқалгани ҳали-ҳануз эсимда. Бироқ орадан тўрт-беш йил ўтиб ҳаёт мутлақо бошқа ҳақиқатни кўрсатиб турибди: юқори даражада мураккаб объект ўзимизнинг малакали мутахассислар, Ҳамза Маҳкамовга ўхшаган оддий ўзбек қурувчилари томонидан бунёд этилди.

— Мазкур темир йўл қурилиши бутун меҳнат фаолиятим, ҳаётим мазмуни десам адашмайман, — дейди Ҳамза Маҳкамов. — Авваллари бундай мураккаб участкада (баланд тоғ шароитида) ишлаб кўрмаганимиз учунми, негадир баъзан ўзимиз ҳам унинг ишга туширилишига шубҳалангандик. Айниқса, Дарбанд участкасидан бошлаб Деҳқонободгача бўлган масофадаги йўл қурилиши мураккабликларини кўз билан кўрмаган киши унинг кўламини асло тасаввурига сиғдира олмайди. Йўлнинг худди ана шу қисмларида пўлат излар денгиз сатҳидан бир ярим минг метр баландликда ёткизилди. Яқинда ўзим ҳам қизиқиб кўрдим, дунёдаги саноқли ривожланган мамлакатлардагина шунга ўхшаш ўта мураккаб конструкцияга эга темир йўл мавжуд экан. Темир йўл икки вилоят ҳудудидаги йирик тоғли туманларни кесиб ўтгани боис юздан ортиқ кўприк ва сув ўтказиш иншоотлари бунёд этишга тўғри келди. Уларнинг аксарияти, айниқса, йирик кўприкларнинг ҳар бирини ўзига хос бир санъат намунаси деса бўлади. Марказий Осиё минтақасида энг баланд темир йўл кўприги (баландлиги 42 метр) худди шу қурилиш давомида бунёд этилди. Бундан ташқари 220 километрлик темир йўл ёқалаб янгидан бунёд этилган посёлкалар, бир-биридан гўзал ва шинам вокзаллар, локомотив-деполар, ҳар бир бекатлар атрофидаги қишлоқларда олиб борилган бунёдкорлик ишлари... яқин беш-ўн йил ичида ушбу аср қурилиши туфайли Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўнлаб йирик саноат корхоналари бунёд этилиши мўлжалланаётгани... Буларнинг барини санаб адоғига етмайсан, киши. Мустақиллик туфайли бунёд этилган бу каби улкан қурилиш ишлари, унинг заҳматкаш бунёдкорларию ижодкорлари ҳақида келгусида қанчандан-қанча китоблар ёзилишига аминман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидаёқ инсон меҳнатини қадрлаш, уни шарафлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ватан, юрт фаровонлиги, тинчлиги ва равнақи йўлида амалга оширилган ҳар бир эзгу иш, қўйилган ҳар бир ибратли қадам, аввало, давлат томонидан қадр топди, эъзозланди. Жумладан, "Аср мўъжизаси" номи билан мамлакатимиз тарихида қолаётган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилишида фидойилик намуналарини кўрсатган юзлаб ватандошларимиз ҳукуматимизнинг турли даражадаги унвон ва мукофотларига лойиқ топилди. Оддий темир йўл крани машинисти Ҳамза Маҳкамов эса олий мукофот — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди. Шунинг ўзиёқ бизда барча касб эгалари қатори оддий ишчининг ҳам хизматлари юксак эъзоз топа олишининг намунасидир.

Ҳамза Маҳкамов ишдан бўш вақтларида бир дақиқа вақтини бекор ўтказмаслигини сўзимиз аввалидаги кичик бир ҳаётий воқеа тафсилоти орқали билдингиз. Қолаверса, уйдаги шарт-шароит ҳам қаҳрамонимизни тинимсиз меҳнат қилишга даъват этиб тураркан. Уй этагидаги каттагина томорқа доим парваришни талаб қилади. Шунинг учун вақти-вақти билан фарзандлар, оила аъзолари ҳамкорлигида томорқа юмушларини бажариш лозим. Ана шу меҳнат ортидан рўзғор учун зарур маҳсулот — буғдойдан тортиб, ҳўл-қуруқ мева, сабзавотгача томорқанинг ўзидан чиқиб турибди. Тадбиркорлик туфайли орттирилган беш-ўн бош қорамол рўзғорнинг бир томонини кўтаришда "дастёр". Оила меҳнатидаги бу каби ўзига хос меҳнатсеварлик анъанаси унинг фарзандларига ҳам ўтган. Ўғли Дилмурод Термиз давлат университетида таҳсил олаётган бўлса, катта қизи педагогика коллежида ишлаш билан бирга магистратурада илмий даражасини ошираётир. Фарзандларнинг эртанги кунидан отанинг умидлари бисёр.

— Бугунги кунда давлатимизнинг энг катта мукофоти соҳиби сифатида элнинг назаридасиз. Сизнингча, бу бахтми ёки бошқа нарсани ҳис қиляпсизми? — дея суҳбат охирида берган саволимга Ҳамза ака узоқ ўйланиб, шундай жавоб қилдилар:

— Шахсан мен учун Ўзбекистондай жаннатмонанд юртда туғилганимнинг ўзи бир бахт. Ўзим орзу қилганимдек, аста-секин фарзандларимнинг камолини кўраяпман, бу ҳам бахт. Оддий хизматларим ортидан эл-юрт, қолаверса, биринчи навбатда Президентимиз ҳурматига, эътиборига сазовор бўлдим. Бу энди, мен учун нафақат бахт, келгуси ҳаётимда зиммамга катта масъулият олиш ҳиссини, мустақил Ватанимиз равнақи учун янада тер тўкиб меҳнат қилиш завқини уйғотади. Қолган умрим давомида ана шу эътибор, ишончни оқлашга ҳаракат қилишга ундайди. Яна, шу кунларимни 82 ёшли кекса онагинам кўргани мен учун ҳаётимдаги энг бахтли кунларимдир. Менга ўхшаш оддий ишчига булардан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

ХАВОТИР

# Қоятош суратлари

## тарихимизнинг энг кўҳна манбалари хавф остида!

Орадан етти-саккиз йиллар ўтди. Мен бугун яна Жиззах шаҳри яқинидаги Сизмойил ота — Чизмали қоятош суратлари манзилидаман. Ўқувчилик йилларимда бу ердаги қадимий суратларни ҳаваскорлик билан ўрганиб, нималарнидир қоралаб қўйгандим. Сафарга чиқишдан олдин ўша ёзувларни бирров кўздан кечирдим: қадимги давр Беҳзодлари чизган дурдона асарлар галереясини яна бир бор томоша қилиш иштиёқи қалбимни чулғаб олди. Афсуски, тошдан-тошга сакраб, сойдан-сойга ўтиб ёдгорликни айланар эканман, ўша иштиёқ ҳам, Чизмалининг бой тарихий манба эканига ишонч ҳам ўз-ўзидан сусая борди. Минг йиллар оша табиат синовидан ўтиб, қорёмғиру шамолларга дош бериб келаётган тош ёдгорликлар бугун экологик ҳолат оқибатида емирилмоқда, XXI аср одамлари қўли билан йўқотиляпти. Дарвоқе, бизгача етиб келганлари ҳам қадимги тошчизмаларнинг балки ўндан биридир, балки юздан бири...

### Тош ойнада акс этган ўтмиш

Тасвирий санъат бундан 30-40 минг йиллар илгари пайдо бўлган, дейилади илмий адабиётларда. Табиий бўёқ билан чизилган суратлар ўчиб кетиш эҳтимоли юқори



Сармишсой манзили (Навоий вилояти) қоятошларида акс этган манзара.

бўлгани учун бугунги кунимизгача кам етиб келган. Тасвирий санъатнинг сал кейинги даврларига тегишли бўлган тошга ўйиб ишланган расмлар эса нисбатан кенг тарқалган ва бугунга қадар яхши сақланган. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ҳудудида 150 га яқин шундай тарихий ёдгорликлар қайд этилган. Лекин, афсуски, уларнинг аксар қисми ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

Олимлар петроглифларни ўргана бошлагандан бери қадимги одамларни тошга ўйиб расм ишлашга нима мажбур этди, деган савол устида бош қотириб келадилар. Аксар мутахассислар буни диний ишонч — тотемизм, чорвачилик ва овчилик билан боғлиқ афсунгарлик, сеҳр-жоду туфайли деб изоҳлашади. Бундан ташқари, ёзувларнинг илк кўриниши, болаларга таълим бериш, одамларнинг ҳаётдан олган завқлари ва бошқа шу каби фикрларни қоятош суратларининг чизилишига сабаб қилиб кўрсатадиган олимлар ҳам бор. Ҳатто петроглифларни тарихий ёдгорлик сифатида тан олмайдиганлар ҳам топилади. Сабабнинг нима эканлигидан қатъи назар, ҳақиқат шуки, қадимги одамлар ўзлари кўрган-билган нарсаларини тошларга муҳрлаганлар. Ҳар бир хатти-ҳаракат киши ботинидан сўзлаганидек, бу кўҳна тош ки-



Саймалитош манзили (Фарғона водийси)даги қадимги тошчизма. Олимларнинг фикрича, у тақвим вазифасини ўтаган экан.

тобларда аждодларимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, тафаккуридаги олға силжишлар ҳам ўз аксини топган. Шу маънода қоятош суратлари бизга ўша даврлар ҳақида бой маълумот беради.

Масалан, эрамиздан олдинги даврга тегишли петроглифлар ичида қўй расмлари деярли учрамайди. Антик юнон тарихчиси Страбоннинг "Жўғрофия" асарида ёзилишича, массагетларда қўй жуда оз эди. Шунинг учун улар қўйни қурбонлика сўйишмаган. Йилномачилар ёзадиларки, ўлимга маҳкум қилинган кишилар қўй ёки от эвазига авф этилиши мумкин бўлган. Ёки, олайлик, ўлкамиз азал-азалдан самовий отлар ватани ўлароқ довруқ қозонганди. Бу ҳақда қоятошлар ҳам гувоҳлик беради. Эрамиздан аввалги I минг йилликка тегишли петроглифлар орасида от расмларига кенг ўрин ажратилган.

Қачонлардир бизда шерлар яшаганига ишонасизми? Ишонишга тўғри келади: чунки қоятош суратлари шундай демоқда бизга. Ахир одам кўзи билан кўрмаган ҳайвонларни бунчалик аниқлик билан чиза олмайди-ку! Сармишсойда (Навоий вилояти) йирик мушуксимон йиртқичлар қатори шер тасвири ҳам бор.



Отлар жанги. Сармишсой.

Бизонлар энг қадимги петроглифларнинг асосий мавзуси бўлган. Лекин бугун юртимизда бундай ҳайвонлар яшамайди. Палезоологларнинг маълумот беришича, бизонлар эрамиздан олдинги I минг йиллик арафасида қайси бир сабабларга кўра қирилиб кетган экан. Уларнинг суяк қолдиқлари шу давргача бўлган археологик қазилмалардагина топилган.

Чизмали тоштахталарида хартумли иккита ҳайвон сурати бор. Бир қарашда филга ўхшайди. Лекин аниқ тўхтамга келиш учун ҳозирча қўлимизда маълумотлар етарли эмас...

Ўлкамизнинг ўтмиш ҳайвонот манзараларини ўрганиш учунгина эмас, халқ урф-одатларининг шаклланиши, фалсафий тафаккурнинг ривожланишини тадқиқ этишда ҳам петроглифларнинг аҳамияти беқиёс. Славян халқларидан фарқли ўлароқ туркийларда отнинг ёли ва думини калтартириш, турмаклаш одати бор. Қоятошлардаги от тасвирлари бу урфнинг анча қадимийлигидан дарак беради. Тарихий манбаларда сак қабилалари чўзинчоқ бош кийимида юргани ёзилади. Сармишсойнинг темир даврига оид одамлар расмларида ҳам чўққили қалпоқ яққол тасвирланган.

Қўшни ўлкалар ва юртимиздаги бир қатор қоятош суратлари манзилларида бир чизма такрорланиб туради: худди қуёш тасвирлангандек, айланадан 12 та нур таралиб турибди, 13-нур узунроқ ва айри кўринишида. Айрим чизмаларда эса ичма-ич иккита "қуёш" акс эттирилган. Катта "қуёш"дан 28 та нур таралиб турган бўлса, ички "қуёш"да 13 та нур бор. Мутахассислар бундай чизмаларни қадимги тақвимлар дея изоҳлашган. Бизни эса тошчизмалар билан ўзбек сўзаналарининг нақш-гуллари орасидаги ўхшашлик кўпроқ қизиқтириб қолди. Сўзаналардаги турли шакллар астрономия билан боғлиқ деган фикрнинг яна бир тасдиғи шу эмасми?



Чизмали манзили (Жиззах вилояти) тоштахталарига ишланган номаълум ҳайвонлар сурати. Тасвир тош ранги билан бирхиллашиб кетганидан илғаб олиш қийин. Шунинг учун расмлар чеккаси бўр билан белгиланган.

Минтақамиздаги петроглифларга хос бўлган юқоридаги чизманинг Шимолий Америка қоятошларида ҳам учраши яна бир ҳайратга сабаб бўлади. Чизмалида маъноси тушунуксиз бир суратга дуч келдик: ичма-ич беш (ёки олти) та айлана чизилган. Тирандозларнинг нишон тахтасига ҳам ўхшаб кетади. Интернет маълумотларини кўриб ўтириб, айнан шундай шакл Шимолий Америка петроглифлари орасида ҳам кенг тарқалганига гувоҳ бўлдик...

Қоятош ёдгорликларида номаълум маънога эга суратлар, чизмалар озмунча дейсизми? Барининг замирида ўзига хос бир сир ётгани аниқ. Хуллас, петроглифларни чуқур ўрганиш ўтмишнинг кўпгина қоронғу томонларини ойдинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

### Чўққилар ҳам мангу эмас

Қадимги одамлар ўз кечинмалари, ўй-мушоҳадаларию кўрган-билганларини тошларга ўйиб муҳрлар экан, асарларининг тошлардай абадий қолишини ният қилган бўлса керак. Не ажабки, тошлар ҳам мангу эмас. Вақт шамоли тоғу тошни ҳам сим-сим емириб бораверади.

Чизмали қоятош суратлари манзилининг маркази — учқур қояли чўққи. Тоғнинг бошида тошлар худди дўппидек бўлиб турибди. Унинг шарқ томонида қадимий ўчоқ бор. Ҳар баҳор одамлар чўққига чиқиб, ўчоққа чироқ ёқиб, оловни тавоф қилишади, ниятлар айтилади. Халқ орасида Сизмойил отанинг тошига тегмаслик керак, агар уларга зиён етказилса, бирор фалокат юз беради, деган ишонч бор. Етти-саккиз йил бурун шу ерлик бир момо бизга Сизмойил отанинг тошига тегинган бировининг оғир касалга чалиниб ётиб қолгани, ахийри бир ҳўкиз сўйиб қурбонлик қилгач, тузалиб кетгани ҳақида айтиб берганди... Гап манзилнинг илоҳий ёки илоҳий эмаслиги борасида кетмаяпти. Муҳими, халқ орасидаги мана шу ишонч Чизмали дурдоналарини асрлар оша одамзот тажовузидан сақлаб келмоқда. Бугунга келиб эса фақат чўққига тегинилмай, ён-атрофдаги тошларни қўпориш одатий тусга кириб қолган. Улар қурилиш ашёси сифатида ишлатилмоқда. Шу тариқа минг-минг йиллик тарихимиздан достон сўзловчи ёдгорликлар кимларнингдир уйига пойдевор бўлиб кетяпти. Бу аянчли ҳолат фақат Чизмали манзили учунгина хос эмас.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида бунёдкорлик ишлари авж олаётгани бор гап. Қурилишни эса тошсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис тоғлардан тош қазиб олишга эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Тўғри, баъзи қишлоқларда тош қазиб сотиш кун кечиришнинг асосий манбаига айланган. Аслида, петроглифлар чизилган қоялар табиат таъсирида бироз мўрт бўлиб қолган, пойдевор учун тупроқ остидан ковлаб олинган тошчалик сифатли хомашё бўлолмайди. Лекин айрим дунёбехабар, бироз ялқов юртдошларимиз ер тагидан тош қазиб олиш меҳнатига чидамай, тайёр қояларни қўпоришни афзал билишади. Оқибатда, бой тарихий меросимизга путур етади. Такрор айтиш лозим, бундай аянчи аҳволни аксар қоятош ёдгорликларида кузатиш мумкин. Баъзи "ўзини билган маданий кишилар"нинг қилиғи ўлганнинг устига тепгандай бўлади. Минг-минг йиллик суратлар устига номларини ёзиб, чиройли расмларни қўпориб олиб кетишади. Сармишсойдаги ана шундай аҳвол ҳақида уч-тўрт йил илгари матбуотда чиқишлар бўлганди. Фақатгина рўйхатга олинган петроглиф манзилларининг ўзи 150 га яқин бўлса, қайси олим қайси ёдгорликнинг бошига бориб қўриқлаб ўтирсин?! Ўзи, қоятош суратлари билан шуғулланадиган мутахассислар республикада бармоқ билан санарли даражада.

Наҳотки, петроглифлар тарихимиз, маданиятимиз ёдгорлиги деб ҳисобланмаса, муҳофаза қилинмаса?! Тарихий ёдгорликлари бизникидан кўра оз ва қиммати ҳам унчалик юқори бўлмаган халқлар уларни асраб-авайлаб, тадқиқ қилиб, "Инсоният биздан тарқалган, дунё цивилизациясига биз асос солганмиз" каби даъволар билан чиқади. Интернет тармоғига жойлаб, жаҳонга кўз-кўз қилади. Бизда эса бундай тарихий ёдгорликларнинг каттагина қисми ҳали фанга ҳам маълум эмас. Чизмали атрофида яшайдиган қишлоқлар аҳолисининг, ҳеч бўлмаса 50-60 фоизи уларга яқин жойда қадимий қоятош суратлари борлигидан, ўзлари топинадиган Сизмойил ота зиёратгоҳининг тарихи ҳам узоқ-узоқларга бориб тақалишидан хабардор эканига ишонгинг келмайди. Кўпчилигимиз учун петроглифлар фақат китобларда учрайдиган камёб нарсадек туюлади. Бироқ атрофга қаранг: бундай тарихий ёдгорликларимиз сероб. Балки қишлоғингиз яқинидаги тоғларда ҳам бой қоятош суратлари манзили жамоатчилик эътиборидан четда қолиб, йўқолиб кетишга маҳкум бўлиб ётгандир?!

Бизнингча, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўз ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни сақлаш масъулияти юклатилиши лозим. Олимлар, турли бошқарув ва назорат идоралари, жамоатчилик — ҳамма масъулиятни ўзидан соқит қилиб, "Ўлдирсанг ўлдир, қорнимга тепма" қабилида иш тутар экан, миллат ўзини англаб олгунча тарихий меросимизнинг каттагина қисмидан



Чизмали манзилидаги бизон сурати.

ажраб қоламиз. Сўнгра бизда шундай нодир ёдгорликлар "бор" деб эмас, "бор эди" деб ёзишимизга тўғри келади. Собиқ иттифоқ даврида йўқотилган ёки ташиб кетилган қанчадан-қанча ноёб осори-атиқалар, китобларга бугун аза очаяпмиз. Кечаги кун ҳақида надомат чекиб гапираётганда, ҳеч ўйлаб кўрамизми, бугун ҳам шундоқ кўз ўнгимизда тарихий ёдгорликларимиз ўз қимматини йўқотиб бормоқда. Ўтган ишга саловат, деганларидек, афсус-надоматни йиғиштириб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга, қолган тарихий меросимизни авайлаб сақлашга қачон ўрганамиз?!

...Бу диёрнинг ҳар бир зарра тупроғи, ҳар бир парча тоши буюк маданият ва бой тариҳдан дарак беради. Уларни кўз қорачиғидек асрашимиз ва ўрганишимиз даркор.

**Фаррух ҲАСАН ўғли,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

